# ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 19-sentabr, shanba • №38(3828)

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) **Битимнинг 2-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратураси Битимни бажаришга масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланган»;

2) **Битимнинг 3 ва 4-моддалари** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси ҳамкорликни ўз миллий қонунчилигига зид келмайдиган қисми бўйича амалга оширади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 14 сентябрь*
*№ ЎРҚ–219*

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда; 2008 йил, №4, 187, 188, 189-моддалар, №7, 352-модда, №9, 485, 487, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №4, 128-модда) **185²-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 21 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 16 сентябрь*



Пойтахтимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари соҳавий хизматларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада айниқса, профилактика ва патруль-пост хизмати ходимларининг кўчалар ва жамоат жойларида биргаликда амалга ошираётган ишлари самарали бўлмоқда. Халқимизнинг тинч-хотиржам меҳнат қилиб, осойишта ҳаёт кечиришлари таъминланмоқда.

**Суратда:** ***Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Истиқлол маҳалласидаги 183-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан У. Каримов, пойтахт ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси 2-батальони ходимлари, сафдорлар А. Жўраев ва Р. Машарипов хизмат пайтида.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ТАДБИР

## ФАХРИЙЛАР ЗИЁРАТГА БОРИШДИ

Богот тумани ИИБ фахрийлар кенгаши томонидан ички ишлар идораларининг турли соҳаларида хизмат қилиб, истеъфога чиққан фахрийларнинг қўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрига зиёрати ташкил этилди. Улар бир ҳафта давомида очиқ осмон остидаги музей шаҳар билан яқиндан танишиб, унинг қадимий обидаларини зиёрат қилдилар, бу заминда яшаб ўтган улуғ пирларни ёд этдилар, бухоролик ҳамкасблари билан дилдан суҳбатлашдилар, дўстлашдилар.

— Саёҳатни ташкил этишда туман ИИБ раҳбарияти яқиндан кўмаклашди, — дейди туман ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги майор Шарифбой Матназаров. — Шунингдек, бу борада кўрсатган ёрдамлари учун ҳозирда фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган истеъфодаги капитан Фарҳод Жумабоев, тадбиркор Бахтиёр Рўзибоев ва бошқа ташкилотчилардан миннатдормиз.

**Бекмурод УСМОНОВ.**

*Хоразм вилояти.*

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

**● «Ўзэкспомарказ»да «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси якунланди. Бир ҳафта давом этган ушбу кўргазмада замонавий услубдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари, енгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, маиший техника ва қишлоқ хўжалиги ускуналари жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.**

● 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда кун тартибига киритилган қатор қонун лойиҳалари, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги» қонунлар лойиҳалари депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

**● Самарқандда «Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, жумладан, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича республикамиз тажрибасини муҳокама этишди. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти институтларининг демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштироки масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.**

● Самарқанд автомобиль заводида янги, «SamAvto LE 60» русумли автобусининг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди. Узунлиги 7,9 метр, максимал оғирлиги 9,8 тоннани ташкил этувчи янги автобус 60 йўловчи ўрнига эга. Янги машина тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Автобус двигатели капитал таъмирсиз бир миллион километргача йўл босиш имконини беради.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5–6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4–5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда, №12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №9, 498-модда, №10, 536-модда, №12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, №4, 158, 159, 164, 165-моддалар, №9, 416, 421-моддалар, №12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, №4, 181, 189, 192-моддалар, №9, 486, 488-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда) **101-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«101-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 15 сентябрь*
*№ЎРҚ–220*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ*
*Қ А Р О Р И*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь куни ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрига қадар шакллантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2009 йилнинг 28 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2009 йилнинг 17 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2009 йилнинг 18 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2009 йилнинг 23 октябрида бошланади ва 2009 йилнинг 11 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2009 йилнинг 14 ноябрида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2009 йилнинг 21 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2009 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

8. Участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2009 йилнинг 12 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2009 йилнинг 20 декабрига қадар тақдим қилади;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайди;

2009 йилнинг 17 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этади.

9. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2009 йилнинг 26 декабрида тугайди. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди;

овоз бериш 2009 йил 27 декабрь куни соат $6^{00}$ дан соат $20^{00}$ гача ўтказилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, участка сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 27 декабрь куни овоз бериш тугагач, овоз бериш якунларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тузади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, баённома участка сайлов комисиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига 2010 йилнинг 2 январига қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати 2010 йилнинг 7 январига қадар матбуотда эълон қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2010 йилнинг 26 январидан кечиктирмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни $47^1$-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибда 2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

15. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М.АБДУСАЛОМОВ.**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 17 сентябрь*

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи, подполковник Шавкат Хурсандович МУҲАММАДИЕВ.**



Шавкат Хурсандович Муҳаммадиев 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Қашқадарё вилояти Нишон тумани ИИБ суриштирув гуруҳининг суриштирувчиси лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда Нишон тумани ИИБ терговчиси, Қашқадарё вилояти ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, республика ИИВ Тергов бош бошқармаси катта терговчиси, ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – тергов бошқармаси бошлиғи, майор Ҳамдам Аликулович ҚАРШИЕВ.**



Ҳамдам Аликулович Қаршиев 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ ППХ ротаси милиционери лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Собир Раҳимов тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, тергов бўлими терговчиси, катта терговчиси, бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, Яккасарой тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари – тергов бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Худойберди Тоғаевич РЎЗИЕВ.**



Худойберди Тоғаевич Рўзиев 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими взвод командири лавозимидан бошлаган. 1987–2009 йилларда Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ИИБ милиция участка инспектори, ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Пастдарғом тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Каттақўрғон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

**Самарқанд вилояти Нарпай тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Жаҳонгир Самарович ҚОСИМОВ.**



Жаҳонгир Самарович Қосимов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Каттақўрғон шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Пахтачи тумани ИИБ ЖҚБ бошлиғи, Нурободтумани ИИБ ЖҚБ бошлиғи, Қўшработ тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, туман ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Хуршид Жозилович ИБРАГИМОВ.**



Хуршид Жозилович Ибрагимов 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1998–2009 йилларда Қўшработ тумани ИИБ ЖҚГ тезкор вакили, катта тезкор вакили, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Сирдарё вилояти Боёвут тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Ихтиёр Саидқосимович КУБАЕВ.**



Ихтиёр Саидқосимович Кубаев 1972 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ИИБ милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда Оқолтин тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Боёвут тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

**ТАДБИР**

**Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасида «Маҳаллада профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда маҳалла посбонлари ҳамкорлигида ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар» мавзуида брифинг бўлиб ўтди. Унда ИИВ ҲООББ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ғ. Эшонқулов, бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

## БОШ БОШҚАРМАДА БРИФИНГ

Тадбирда подполковник Ғ. Эшонқулов сўзга чиқиб, бугунги кунда юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Хусусан, милиция таянч пунктлари замон талаблари даражасида жиҳозланаётгани, профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш кўраётганликлари туфайли жиноятлар сони камайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлигини айтиб ўтди.

Брифингда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ёқубжон МУҲАММЕДОВ.**

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

## ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётганислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тақдимномасига асосан, шу йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББда мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларининг масъул ходимлари ҳамда ИИВ жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шодиев, республика Бош прокурорининг ўринбосари Х. Ҳалимов ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига биноан қабул қилинган ушбу Қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди ҳамда бу борада бажариладиган вазифалар белгилаб олинди.

**Азамат БЕГАЛИЕВ, сержант.**

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ЭРТАМИЗ АСОСИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасаларидаги ижроси хусусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасаларида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси қай даражада амалга оширилаётгани хусусидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У. Исмоиловнинг ҳисоботи тингланди. Таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ижроси бугуннинг талаби даражасида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларида курсантларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, буюк боболарига муносиб ворислар қилиб тарбиялаш борасида изчил ишлар қилинмоқда. Шунингдек, барча билим юртларида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ўқув дастурига киритилган.

Малакали кадрлар тайёрлашда педагог-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Бу борада республика Ички ишлар вазирлиги Академиясида ҳеч қандай муаммо йўқ. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 278 нафар педагог-ўқитувчиларнинг 88 нафари фан номзоди ва 13 нафари фан докторларидир. Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар тайёрлаш ишларини янада яхшилаш, ўқув моддий базасини такомиллаштириш мақсадида режа асосида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

## ЖАҲОН АЙВОНИДА



### САҲРОИ КАБИРДА ЎРМОН

Тадқиқотчиларнинг халқаро гуруҳи Саҳрои кабирни ўрмонга айлантиришни таклиф қилмоқда. Унга кўра океан қирғоғида шўр сувни чучуклаштириб берувчи қурилмалар тизими яратилади. Ўрнатилган махсус қурилмалар чучук сувни чўлда экилган, жазирама иқлимга чидамли дарахт кўчатларига етказиб беради. Натижада саҳрода яратилган ўрмонлар минтақа иқлимини сезиларли даражада ўзгартиради. Ҳавонинг ўртача ҳарорати эса Целсий шкаласи бўйича тахминан 8 градусга пасайди ҳамда минтақада кўп ёмғир ёғадиган бўлади.

### ИҚТИСОДИЁТДА ПАСАЙИШ

Қарийб бир йил мобайнида юз бераётган молиявий инқироз дунёнинг аксарият мамлакатларига катта иқтисодий зарар етказди, ишсизлик даражаси ошди. «Евроньюс» телеканалининг хабарига кўра, энг кўп талафот кўрган давлатлардан бири Исландиядир. Мазкур мамлакат иқтисодиётида 9 фоиз пасайиш кузатилган. Бу ердаги аксарият банклар таназзулга юз тутгани боис, давлат ихтиёрига ўтказилган. Инқироздан қарийб 80 фоиз аҳоли қаттиқ азият чеккан.

### ҚОРА ҚИТЪАДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

Ғарбий Африкадаги кўплаб давлатлар одатда қурғоқчиликдан жабр кўрарди. Энди эса бир неча ҳафта давомида ёққан тинимсиз ёмғир оқибатларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Сув тошқини рўй бериб Сенегалда 260 минг, Буркина-Фасода эса 150 минг киши бошпанасидан айрилди. Табиий офатдан Нигерия, Гана, Бенин, Гвинея, Гамбия, Мавритания, Кот-д'Ивуар ва Серра-Леоне сингари давлатлар ҳам катта зарар кўрди.

Экология муаммолари бўйича мутахассисларнинг фикрига кўра, тошқинларни келтириб чиқарган ёмғирлар глобал иқлим ўзгариши натижасидир.

### МУҲОЖИРЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Давлат миллий статистика институтининг маълумотларига кўра, Италия кейинги ўн йиллик-да қарийб икки миллион эмигрантни қабул қилган. Муҳожирлар орасида руминиялик, албаниялик ва марокашликлар кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан мамлакатнинг шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб ҳудудларида истиқомат қилишади.

Ушбу маълумотлар қонуний эмиграция доирасида амалга оширилган тадқиқотлар орқали аниқланган.

### ЭНГ ЮПҚА НОУТБУК

Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Dell» компанияси янги турдаги ноутбук компьютери ишлаб чиқарди. «Adamo XPS» деб номланган мазкур ноутбукнинг қалинлиги 9,99 миллиметрни ташкил этади. Бу эса айни пайтгача дунёда ишлаб чиқарилган шу турдаги маҳсулотнинг энг юпқаси ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, компания жорий йилнинг баҳорида 16,5 миллиметрли ноутбукларни намойиш этганди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## МАЪРУЗАЛАР ТИНГЛАНДИ

**Республика ИИВ Академиясида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари – 15 йил инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

Академия жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва маъмурий ҳуқуқ кафедраларининг ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжуманда жамоанинг профессор-ўқитувчилари, кундузги таълимнинг 2, 3, 4-ўқув курслари тингловчилари иштирок этишди.

Унда ўтган давр мобайнида қонунчиликда рўй берган ўзгаришлар, уларни қўллаш самарадорлиги, шунингдек, уларнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотларига ижобий таъсирига оид масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда жамиятни демократлаштириш жараёнларида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг тутган ўрни, жиноят-процессуал қонунчиликнинг мустақиллик йилларида такомиллаштирилиши, республика жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихи ва истиқболлари, инсон ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш учун жиноят процессида судгача қадар иш юритишни такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

**Темур ҚУРБОНОВ,**
**подполковник.**

## ТАШРИФ МАЗМУНЛИ ЎТДИ

**Наманган вилояти ИИБ билан Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида Келишув имзоланган. Ана шунга мувофиқ, Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили О. Нуритдинов ва вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси катта юрист-консульти, подполковник А. Дадабоев тергов ҳибсхонасига ташриф буюрдилар.**

Улар муассаса фаолияти билан танишиб, уни халқаро ҳуқуқ талаблари даражасида таъмирланиб, жиҳозланганлигига, махсус контингентнинг яшаш шароитлари ва улар ҳуқуқларини таъминлашга оид тарбиявий ишлар самарадорлиги, кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, санитария-гигиена ишларига эътибор қаратдилар. Шундан сўнг улар турли қонунбузарликларга йўл қўйилмаслиги масаласида тергов ҳибсхонаси шахсий таркиби ва махсус контингент билан атрофлича суҳбат ўтказдилар.

**Ҳабибулло ИКРОМОВ,**
**подполковник.**

*Наманган вилояти.*

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» ТАДБИРИ ЯКУНЛАНДИ

## УЙИНГГА СОҒ-ОМОН ҚАЙТГИН, БОЛАЖОН!

***Кўп ҳолларда биз, катталар болаларни мактабга, дўконга ёки бошқа жойга юбориб, уйга қайтгунча хавотир олиб тураmiz. Чунки улар керакли манзилга машиналар серқатнов йўлдан бориб келишади, бирор жойда кўчани кесиб ўтишларига тўғри келади. Фалокатдан яратганнинг ўзи асрасин. Аммо ҳар бир ота-она ўғли ёки қизи «Йўл ҳаракати қоидалари»ни пухта билиши ва унга амал қилишига эришса фарзанди остона ҳатлаб кўчага чиққанда кўнгли хотиржам бўлади.***

Аввал хабар берганимиздек, республикамизда шу йил 2 сентябрдан 12 сентябргача ўтказилган «Диққат, болалар!» тадбиридан кўзланган мақсад ҳам болаларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни чуқур сингдириш, бу борадаги билимларини бойитиш, кўча ва йўлларда ўғил-қизларимиз билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш эди. Шу йўлда ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўн кун мобайнида ўз саъй-ҳаракатлари билан бу вазифани кўнгилдагидек уддалашди.

Эътиборли томони, тадбирга профилактика инспекторлари, маҳаллий ҳокимликлар ва «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, халқ таълими мутахассислари ҳам жалб этилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари мактаблар, болалар боғчалари, коллежлар ва лицейларда бўлиб, суҳбатлар уюштиришди, «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича машғулотлар ўтишди. Шунингдек, ушбу фан бўйича ўқитувчи ва тарбиячиларнинг дарсларини кузатиб, керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беришди. Бундан ташқари, мактабларда ҳаракат хавфсизлиги синфлари, махсус бурчаклар ва автомайдончалар ташкил этишга кўмаклашдилар.



Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, тадбир давомида болалар томонидан содир этилган 520та қоидабузарлик аниқланди. Шундан 425 та ҳолат мактаблар ва маҳаллаларда муҳокама қилинди. Келажак авлод муҳофазаси билан машғул бўлган идоралар ҳамкорлигида билим масканлари яқинидаги кўчалар ва йўлларда мониторинглар ўтказилди, қўшимча 874 та йўл белгилари ўрнатилди, 767 км. масофадаги йўл чизиқлари қайта чизилди, 923 та вақтинчалик ЙПХ масканлари фаолият кўрсатди. Мониторинг натижалари бўйича маҳаллий ҳокимликларга 27 та тақдимнома киритилди.

Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигига эришиш мақсадида кўчалар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этувчи паннолар, кўргазмали воситалар ўрнатилди. Оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар уюштирилди.

Қисқа вақтда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилгани учун 2009 йилнинг 8 ойи давомида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайгани қайд этилди.

Демак, тадбир тугаган бўлса-да бу борадаги ишларни ҳамиша давом эттириш фойдадан холи бўлмайди.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

ТАДБИР

## ИНСОН ВА ЭКОЛОГИЯ

**Тошкентда «Экологик кинозалда экосайт ва экофильмлар» мавзусида журналистлар, экологлар ва кенг жамоатчилик вакиллари учун экологик кинозал бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир «ЭКОСАН» халқаро фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг Информацион маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Айтиш жоизки, бундай тадбирларда иштирок этган журналистлар мутахассислар ёрдамида мавзуни янада чуқурроқ ўрганадилар ва ўз мақолалари орқали жамоатчиликни экологик масалалар билан атрофлича таништирадилар.

Намойиш қилинган ҳужжатли фильмлар эса, интернет саҳифаларига қилинган «сайр»га қўшимча бўлди. Оролбўйи, Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик аҳвол акс этган лавҳалар, қурғоқчилик ва саҳроланишга қарши амалдаги ҳаракатлар – ушбу ва бошқа сюжетлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**

ИХТИРО

## ЯНГИ ЁНҒИН ЎЧИРИШ ҚУРИЛМАСИ

**Ўзбекистон нефть ва газ саноати иншоотлари, ўта муҳим ҳамда тоифаланган масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида талайгина рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтиролар синовдан ўтказилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.**

Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи, полковник Дилшод Пўлатов ҳам ўз билими, ишлаб чиқаришда тўплаган тажрибаси асосида кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси – «УПГ – 4000»ни яратишга муваффақ бўлди. У ишлаб чиқариш корхоналари, ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларда катта ҳажмда ёнғин хавфи юзага келганда офатни бартараф этишга мўлжалланган.

Қурилманинг ҳажми 2000 дан 5000 куб метргача бўлган пўлат идишларда сақланаётган нефть ва нефть маҳсулотларида ёнғин содир бўлса тез ва самарали қўллаш мумкин. Ундан «В» синфи тизимидаги ёнғинларни ўчиришда фойдаланиш кўзда тутилган. Бир жойга муқим ўрнатилган иккита қурилманинг ҳар бири 10000 куб. метрга тенг резервуардаги ёнғинни ўчириш имкониятига эга. Эътиборли томони, қурилма тез ишга тушади, уни бошқариш хавфсиз, ёнғинни қисқа фурсатда қамраб олиб, бартараф этади. Метал конструкцияси зилзилага чидамли, шамол ва қор босимига бардошли, иқлими тез ўзгарувчан жойларда жуда асқотади.

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида муваффақиятли синовдан ўтган «УПГ – 4000» яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида рўйхатга олиниб, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун рухсат берилди.

**Бозор ОСТОНОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**

ПАСПОРТИМИЗ–ФАХРИМИЗ

## МУТАХАССИСЛАР ТУШУНЧА БЕРИШДИ

**Вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида ўтказилган семинар-тренинг “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимлар мажмуасини амалиётга татбиқ этишдан олдин ходимларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилди. Уни ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Р. Раҳмонов кириш сўзи билан очди.**

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБ аҳолини паспортлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бошлиғи ўринбосари, майор А. Тангиров биометрик маълумотларга эга бўлган янги намунадаги паспорт, унинг хусусиятлари ва моҳиятига тўхталиб, янги дастурда тармоқ ичига кириб, ҳужжатларни расмийлаштиришга катта масъулият билан ёндашиш лозимлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг паспорт тизими ходимларига мутахассислар томонидан “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимлар мажмуасида ишлаш, дастурнинг самарадорлиги ва янги дастур асосида амалга ошириладиган вазифалар хусусида тушунча берилди. Семинар якунида иштирокчилар ўтилган мавзуларни амалиётда қўллаб, синов имтиҳонлари топширишди.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**

*Навоий вилояти.*

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

### ВОҚЕА ЖОЙИДА УШЛАНДИ

О. Шоира кечқурун ишдан қайтаётганда ортидан кимдир келиб, бўйнидаги занжирни юлиб қочди. У қўрқиб кетганидан қаттиқ бақириб юборди. Унинг овозини эшитиб, шу ерда хизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ ходимлари воқеа жойига етиб келишди. Ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилинган Ж. Жамшид зудлик билан қўлга олинди.

### «НЕКСИЯ»ДАГИ ЎҒИРЛИК

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБга фуқаро К. Эркин ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахс унинг «Нексия» русумли автомашинаси юкхонаси эшигини бузиб очиб, у ердан 1 млн. 500 минг сўм пулни ўғирлаб кетганлигини баён этди. Ички ишлар ходимлари томонидан қурилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб В. Дамир ушланди.

### ЖАБРЛАНГАН ВЕЛОСИПЕДЧИ

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБга келиб тушган хабарга кўра, номаълум ҳайдовчи машинада Фарғона йўли кўчасида йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи К. Алексейни уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетган. Велосипедчи жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни З. Асрор ўзининг «ВАЗ-2105» русумли автомашинасида содир этганлиги аниқланди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ТАЛОНЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

А. Бобур тунги сменадан уйга қайтаётганида икки кимса унинг йўлини тўсиб чиқди ҳамда куч ишлатиш йўли билан қўлидаги, «Сони Эриксон» русумли уяли телефони ва пулларини олиб қўйди.

Ушбу воқеа ҳақида хабар топган Андижон вилояти Асака тумани ИИБ ходимлари зудлик билан ишга киришишди. Қурилган чора-тадбирлар натижасида О. Шариф ва Ш. Шокир гумонланиб, ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ёқубжон БОБОЖОНОВ,**
**лейтенант.**

БИЗНИНГ СУҲБАТ

# Оролбўйи ўлкасида...

***Сир эмас, иқлим шароити мураккаб аҳволга тушиб қолган Қорақалпоғистон диёри истиқлол йилларида тобора юксалиб бормоқда. Ер ости ва усти бойликларининг катта захирасига эга бўлган бу диёрда истиқлолнинг залворли, истиқболли одимлари ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш негизида Нукус шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди. Муносиб ютуқлар ва халқ фаровонлигига эришишда ўлкада ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик муҳим аҳамият касб этаяпти. Бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, полковник Оринбай ТУРДАҚОВ билан суҳбатлашдик.***

**— Оринбай Турдақович, маълумки ҳукуматимизнинг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қарорларидан келиб чиққан ҳолда соҳавий хизматлар ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилди. Аввало, тизимда бундай ҳамкорлик қандай йўлга қўйилгани ҳақида гапирсангиз.**

— Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан ички ишлар идораларида ижобий ишлар йўлга қўйилди ва соҳа самарадорлигини оширишга омил бўладиган ислоҳотлар жараёни ҳаётга татбиқ қилинди. Буларнинг самараси ўлароқ, жойларда милиция таянч пунктлари ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ташкил топди. Бу эса аҳолига кўплаб қулайликлар яратиш билан бирга ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 200 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатаяпти. Шулардан 162 таси қишлоқларда жойлашгани ва уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги соҳавий хизматлар ҳамкорлигида жуда қўл келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккি, бу ҳамкорлик нафақат тинчлик ва осойишталикни сақлаш, балки «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда белгиланган долзарб вазифаларни бекаму кўст адо этишга ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, бу жараён деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган ғалла ва пахта ҳосилининг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда яққол кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, «Тозалаш — Антитеррор», аҳолининг паспорт тартиботига амал қилишини текшириш ва бошқа тадбирларда ўз ифодасини топаяпти. Буни мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни тинч-осуда ўтказишда чуқур ҳис қилдик. Тизимдаги барча хизматлар ходимлари ўзларига юклатилган вазифага масъулият ва фидойилик билан ёндашишлари натижасида жамоат жойлари, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва дам олиш масканларида ҳеч бир юртдошимизнинг байрам кайфияти бузилмади. Зотан, бундай нуфузли шодиёна шукуҳини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ходимларимиз хизматидан эл мамнунлиги ва халқимизнинг бизга билдираётган юксак ишончи ҳар биримизда масъулият ҳиссини оширади. Жорий йилнинг ўтган даврида барча турдаги жиноятлар 1,13 фоиз, жиноят қидирув соҳаси бўйича 6,45 фоизга камайгани ҳам соҳавий хизматлар ҳамкорлигининг мевасидир.

**— Сиз тилга олган масъулият, фидойилик, садоқат каби инсоний фазилатлар ички ишлар ходимларида қай йўсинда шаклланмоқда?**

— Киндик қонимиз тўкилган маскан муқаддас ҳисобланади. Доимо тарихимиз, қадриятларимизни қадрлаймиз, ота-боболаримиздан қолган ёдгорликларни эъзозлаймиз. Ким бунга амал қилар экан, ўз-ўзидан унинг қалбида ватанпарварлик туйғуси жўш уради. Атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ бобомиз айтади: **«Йигит бўлсанг арслондай туғилган, хизмат қилгил доим она халқ учун»**. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, марҳум Ибройим Юсупов таъкидлайди: «Ёшликдан куч-ғайратингни бахш этиб халқингга, эл манфаатини кўз нурингдай асра». Ички ишлар ходими бўлишни ният қилган инсон аввалambор шу ўгитларга амал қилиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки ҳамма ҳам бу шарафли ва машаққатли касбнинг этагидан маҳкам тутиб кетолмайди.



Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Милиция ходими ҳам оддий инсон, лекин ҳар ким ҳам милиция ходими бўла олмайди». Шунинг учун шахсий таркибнинг жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарлигини ошириш, маънавий дунёсини бойитишга алоҳида эътибор берилаяпти. Маърифат дарсларига давлат ва жамоат арбоблари, таниқли олимлар, санъатшунос ва сиёсатшунослар таклиф қилинаётгани, уларнинг Ватан равнақи йўлида олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар борасидаги бир-биридан қизиқарли, ранг-баранг маърузалари, фахрийларнинг ибратли ҳаёт йўли ва бой тажрибаси ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини шакллантириш, маънавий ва сиёсий онгини юксалтириш, етук кадр қилиб тарбиялашда, шубҳасиз, асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

**— Ватанпарварлик ҳақида ибратли сўзларни айтиб ўтдингиз. Афсуски, орамизда бу юксак туйғудан мосуво бўлганлар ҳам учраб туради. Бундай шахсларни аниқлаш ва улар томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган жиноятларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Бугунги кунда огоҳлик ва ҳушёрлик ҳаёт заруратига айланди. Чунки муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб олиб, аслида онги бузғунчилик ғоялари билан суғорилган, мақсади қўпорувчилик, зўравонликдан иборат кимсалар юртимиз фаровонлигини кўролмай, панада туриб, тош отмоқдалар. Ташқи кучлар таъсирида ҳаракат қилаётган диний-экстремистик оқимга мансуб шахсларга қарши курашда аҳоли фаоллиги ошаётгани эътиборга лойиқдир. Асосий диққат-эътибор республикадаги барқарор вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бузғунчилар билан боғлиқ салбий кўринишлар тўғрисида тезкор маълумот олиш, чегара ҳудудлар орқали кириб келиши мумкин бўлган тақиқланган адабиётлар, қурол-яроқ, ўқ-дорилар ва гиёҳвандлик моддаларини фош қилишга қаратилган. Қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларда ЙПХ масканлари ва блок-постлар ташкил этилиб, Божхона ва МХХ ходимлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тезкор-профилактик ишлар доимий йўлга қўйилган. Буларнинг самараси ўлароқ, мазкур ҳолатлар билан боғлиқ жиноятга қўл урган 34 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноятчилардан ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар ва диний-экстремизмни тарғиб қилувчи адабиётлар ашёвий далил сифатида олинди.

Юқорида ҳушёрлик — ҳаёт зарурати, деб бежиз таъкидлаб ўтмадим. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, нафақат ватанпарварлик, балки оддий инсонийликни унутган шахслар ҳам озми-кўпми учраб туради. Масалан, гиёҳванд одам оиласи учун ҳам, жамият учун ҳам хавфлидир. Чунки ундан эзгулик кутиб бўлмайди. Шуни билса-да, баъзи бировлар меҳнат қилишни истамай, осон ва тез бойиш учун оғу сотиш билан шуғулланади. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча гўдаклар мажруҳ туғилиб, ёхуд ёш оилалар парокандаликка учраб, боз устига, жабрини тирик етим қолган норасидалар тортмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жиноятчилардан жами 107 килограмдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди.

Жорий йилнинг 13 июль куни МХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир чоғида «Тошкент — Қўнғирот» йўналиши бўйлаб келаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобус «Бройлер» ЙПХ масканида тўхтатиб текширилганда Тўрткўл тумани Оққамиш овулида яшовчи Сапаргул ва Ҳакимбой исмли фуқароларнинг ҳаракатлари шубҳали кўринади. Айби борнинг тиззаси қалтирайди, деганлари рост экан. Холислар иштирокида ўтказилган текширувда уларнинг ёнидан 2 кг. 40 гр. героин чиқди.

Шу йил 30 июль куни Нукус шаҳридаги «Маъмур хазинаси» масъулияти чекланган жамиятга қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида оператор бўлиб ишловчилар Эркин Қизилтаев ва Абат Даулетмуратовлар иш жойида номаълум шахслар томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Ходимларимизнинг кунни тунга улаб, тезкор суриштирувлар олиб бориши натижасида мазкур жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Нукус шаҳрида яшовчи Генже ва Жалғас келтирилган исбот ва далиллар олдида бош эгиб қолишди.

**— Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган ўгитига амал қилган киши ўйлайманки, ҳаётда ҳеч қачон кам бўлмайди. Шундай эмасми?**

— Жуда тўғри айтдингиз. Савоб иш ҳақида гап кетганда кўз олдимизга аввало боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар келади. Фахрийларимиз, уруш қатнашчилари, истеъфодаги полковник Қурбанбай Бекмуратов, истеъфодаги подполковник Нурулла Абдуллаев, ёлғиз яшовчи Елена Семенникова ва Любовь Толстихларнинг аҳволидан тез-тез хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз ташаббуси ва имконияти доирасида бир нафардан ёрдамга муҳтож фахрий ва ногиронларга беминнат ҳомийлик қилаётгани ҳам хайрли ишлардан биридир.

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонлари ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Нукус шаҳри марказидаги қурилиши тугалланмаган икки қаватли, 16 хонадондан иборат уй вазирлик томонидан сотиб олиниб, қайта таъмирланди. Янги хонадонларнинг калитлари 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни тантанали равишда топширилиши мўлжалланган. Шунингдек, Шуманай тумани ИИБ ходимлари шу куни янги бинода иш бошлашади.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлигига қарашли «Юлдузча» болалар боғчаси қайта таъмирланди. Хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари ва Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари шахсий таркибнинг саховати туфайли вазирлигимизнинг даволаш ва соғломлаштириш маркази қошида ташкил этилган ёзги оромгоҳда ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва аквапаркка уюштирилган бепул саёҳатдан баҳраманд бўлишди.

**— Жамоада шаклланган бундай меҳр-мурувват, эзгуликлар шахсий таркибни рағбатлантириш, уларни кўзланган мақсад сари йўналтиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган бўлса керак?**

— Албатта. Хизматда фидойилик кўрсатиб, ўз бурчини аъло даражада адо этаётган ходимлар рағбатлантириб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 2971 нафар ходим муносиб тақдирланди. Шулардан уч нафарига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони берилди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонига кўра, Мўйноқ тумани ИИБ профилактика инспектори, лейтенант Азат Акимниязов ва Қораўзак тумани Бердақ номли овул фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари, истеъфодаги майор Шарибай Борибаевлар «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани дилимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Ички ишлар идораларида фаолият юритаётган, ҳуқуқшунослик мутахассислигига эга бўлган беш юз нафарга яқин ходимлар орасидан танлов асосида 50 нафари саралаб олинди. Улар вазирлик қошида ташкил этилган «Ёш раҳбарлар мактаби»нинг илк ўқувчилари бўлишди. Машғулотларга республикадаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, суд ва прокуратуранинг тажрибали ходимлари жалб этилган. Бундан кўзланган мақсад иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук бўлган ёш раҳбар кадрлар захирасини яратишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ички ишлар ходими учун энг юксак мукофот бу халқ ишончини қозонишдир. Бунга эришиш учун у фидойи, ўз касбининг жонкуяри бўлмоғи лозим. Вазирлик тизимидаги ҳар бир ички ишлар идораси шахсий таркиби буни чуқур ҳис этган ҳолда тинч меҳнат жараёнини қарор топтириш ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ суҳбатлашди.**

**Суратда:** ***Тўрткўл туман ИИБ профилактика инспектори, капитан Камолиддин Ботиров маҳалла кексалари билан.***

**Бахтиёр ҒАЙБУЛЛАЕВ олган сурат.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Шу йилнинг 10-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан вазирлик соҳавий хизматлари раҳбар ходимларининг «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш, уларни салбий таъсирлардан сақлаш» мавзуида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Қуйида мухбирларимизнинг ана шу ҳақдаги хабарлари билан танишасиз.**

Мирзо Улуғбек туманидаги Технология касб-ҳунар коллежида ўтказилган учрашувда таълим даргоҳида билим олаётган йигит-қизларнинг ўқишга бўлган қизиқиши, давомат ва жамоат ишларидаги иштироки, ахлоқ-одоби ҳақида коллеж директори Т. Умаралиев сўзга чиқди. У мазкур таълим муассасасида мингдан зиёд ўқувчилар қандолат ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, компьютер технологияси, молия ҳамда бухгалтерия йўналишларида касб сир-асрорларини эгаллаётганини айтди. Шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳар қандай ёт унсурлар, жиноят кўчасига кириб қолишдан сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Учрашувда республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, подполковник Б. Пўлатов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди. Нотиқ давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга кенг имконият яратилаётгани ва бундан унумли фойдаланиш, жиноят ва гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолмаслик зарурлигини уқтирди. Шу билан бирга, дарсдан сўнг спорт билан шуғулланиш турли ёт унсурлардан сақланишнинг энг мақбул усули эканлигини таъкидлади.

* * *

Учтепа Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ташкил этилган йиғилишда республика ИИВ ҲООББ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ғ. Эшонқулов ва туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Т. Шарапов иштирок этди. Нотиқлар ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, гиёҳвандликка қарши кураш ҳар бир киши, шу жумладан, ёшларнинг ҳам муқаддас бурчи эканлигини қайд этдилар. Шунингдек, ўқувчиларни ҳаётга енгил-елпи қарамасликка даъват этиб, касб ўрганиш ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил эканлиги, бунинг учун ўзлари яшаб турган маҳаллаларда тенгдошларини бу хайрли юмушга жалб этиш орқали уларнинг ҳам бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ҳисса қўшиш лозимлигини таъкидладилар. Мулоқот давомида ўқувчилар диний экстремизм ва ақидапарастлик каби ёт унсурлар оқибати қандай якун топиши тўғрисида керакли тушунчалар олишди.

* * *

Ўқувчи ёшлар томонидан жиноят содир этилиши, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, диний экстремистик оқимлар таъсиридан асрашга бағишланган учрашув Тошкент эстрада-цирк коллежида ҳам бўлиб ўтди. Унда Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти катта ўқитувчиси, подполковник У. Ҳасанов қатнашди ва маъруза қилди.

Нотиқ ёшларни билим олишга, етук мутахассислар бўлиб етишиш учун Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлардан унумли фойдаланишга, бўш вақтларини фойдали ишларга сарфлашга чақирар экан, ҳар бир ўтаётган умр лаҳзалари бебаҳо эканлигига урғу берди. Ҳаёт аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етмай, ножўя хатти-ҳаракатлари орқали ўз бахтларига зомин бўлган ёшлар ҳаётидан мисоллар келтирди.

Тадбирда коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Дўстлик» ордени соҳибаси К. Зарипова, ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчи-ёшлар қатнашди.

* * *

Ёшлар – юртимиз келажаги, эртанги кунимиз ворисларидир. Уларнинг онги, тафаккури қай даражада юксак, етук, баркамол бўлса, демакки, келажагимиз ҳам янада порлоқ бўлиши шубҳасиз. Сирғали туманидаги Политехника касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган учрашувда ана шулар ҳақида гап борди.

Тадбирни коллеж директори Х. Қорабоев кириш сўзи билан очиб, ушбу учрашувнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг республика ИИВ ХЧК ва ФРБ бўлим бошлиғи ўринбосари, капитан Х. Мараимов сўзга чиқиб, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Ёшлар билиб-билмай гиёҳвандлик моддалари олди-соттисига аралашиб қолаётгани, турли ноқонуний оқимлар таъсирига тушиб, йўлдан адашаётгани ва уларнинг оқибатлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтирди. Шунингдек, Сирғали тумани ИИБ ҲООБ ходими, капитан Я. Комилов ҳам мавзуга дахлдор ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

* * *

Тошкент Фармацевтика институти қошидаги академик лицейда бўлиб ўтган учрашувни билим даргоҳи директори З. Османов кириш сўзи билан очди. Республика ИИВ ИҲҲҚ ва ЮТБ Матбуот маркази бошлиғи, лейтенант З. Каримов сўзга чиқиб, бугунги кунда ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, шунингдек, бундай ҳолатларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтди. Ўқув юрти директори ўринбосари И. Сиддиқов ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимга эга бўлиши нақадар зарур ва керакли эканлиги тўғрисида маъруза қилди.

* * *

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ана шу мавзудаги тадбир Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейда ҳам ўтказилди. Унда ИИВ Академияси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, майор М. Зиёдуллаев сўзга чиқиб, ўқувчи-ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатлар ҳақида атрофлича тўхталди ва бу хусусда олиб борилаётган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жамиятимизда учраб тураётган айрим салбий ҳолатлар, айниқса, ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар ҳақидаги мисоллар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги фикрларини диққат билан тинглаган ўқувчилар ўз мулоҳазаларини баён этишди.

* * *

Тошкент авиасозлик коллежида бўлиб ўтган учрашув ҳам баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтди. Унда республика ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, подполковник И. Жаҳонгиров маъруза қилиб, бугунги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида содир этилаётган айрим ҳуқуқбузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг аянчли оқибатлари хусусида сўз юритди. Шунингдек, ёшларни тубанлик сари етаклаётган бундай иллатларга қарши маҳалла фаоллари, ота-оналар, профилактика инспекторлари ҳамжиҳатликда курашишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Нотиқ жойларда жиноятчиликнинг олдини олишда ёшларнинг ўрни борасидаги мисолларга мурожаат этиб, ўқувчиларни доимо ҳушёр бўлишга чақирди.

* * *

Собир Раҳимов туманидаги политехника касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган республика ИИВ ЖИЭББ штаб бошлиғи ўринбосари, капитан Б. Акрамов, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, капитан А. Кенжаева, тумандаги Мирзо Ғолиб номли маҳалла профилактика инспектори, майор А. Холмуродов, коллеж директори Ч. Примов, ўқитувчилар ва талабалар иштирокидаги учрашув ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш, уларни салбий таъсирлардан сақлаш мавзусига бағишланди. Тадбирда капитан Б. Акрамов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди. Капитан А. Кенжаева эса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг содир бўлиши сабаблари юзасидан мисоллар келтириб, бу салбий иллатларнинг олдини олиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирди. Тадбирнинг савол-жавоблар асосида ўтгани кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

* * *

Республика ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор Д. Қамбаров ва Учтепа тумани ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, кичик сержант Р. Мусаев Тошкент автомобиль йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейи ўқувчилари билан учрашдилар. Ёшларни Ватанга муҳаббат, халқига садоқатли, эгаллаётган касбининг етук мутахассиси бўлиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга муносиб ҳисса қўшишга даъват этиш тадбирнинг асосий мақсади эканлиги сезилиб турди. Маърузачи Д. Қамбаров ёшларни турли диний оқимларга қўшилиб қолмаслик, сигарет чекмаслик, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилмасликка даъват этиб, бу каби иллатлар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг асосий сабабчиси бўлаётганига қатор мисоллар келтирди. Шунингдек, ўқувчиларни ҳар қандай шубҳали кўринган ишлар ва нарсаларга дуч келганда дарҳол ҳуқуқ-тартибот идораларига ёки ички ишлар ходимига хабар бериш кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Айтиш жоизки, жойларда ўтказилган учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Учрашувларда ўқувчиларга жиноят содир этиб, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган вояга етмаганларнинг афсус-надоматлари акс этган, гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлганлар қисмати ҳақидаги фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, нотиқлар томонидан ўқувчиларга ҳукуматимизнинг вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Таълим масканларининг раҳбарияти ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик қилиш ўқувчи-ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бундай тадбирларни уюштирган ИИВ раҳбарияти ва қизиқарли маърузалари билан иштирок этган ходимларга самимий миннатдорлик билдирдилар. Бу каби фойдали тадбирлар келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама баркамол, қолаверса, ҳуқуқий жиҳатдан етук бўлишларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

***Ўз мухбирларимиз.***



***Суратда:** ўқувчи-ёшлар билан учрашувдан лавҳа.*

# СЕШАНБА, 22 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.55 Наманган вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Наманган атласи».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Обод манзиллар».
15.30 «Очун».
15.40 «Ўзбегим ёшлари - Малайзияда». 1-қисм.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос»:
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.30 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Шимол ва жануб». Т/с.
23.40 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

23.55 «Ўзбегим ёшлари - Малайзияда». 1-қисм.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Одамлардан бири».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».
05.50 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Зебузар».
8.45 «Диёрим табиати».
9.00 «Илҳом қанотлари».
9.05 «UzEX».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Устозлик ҳикмати».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Болалар табассуми».
10.30 «Чашма».
10.40 «Соғлик – бойлик».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
12.00 «Тонгги шудринг». Т/с.
12.50 «UzEX».
12.55 «Истиқлол саодати».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 Тарих дарси: «Ацтеклар».
14.10 «Олтин тупроқ».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Салом, ёшлар!»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Фанга бир назар».
16.45 «Болалар илҳоми».
16.50 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
17.10 «Тасвир ва таассурот».
17.30 «Кўнгил». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Устозга таъзим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Ҳаёт завқи».
20.35 «Автопатруль».
20.55 «Ҳаёт симфонияси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Киноклассика: «Қайнона».
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».
00.00 «Салом, ёшлар!»
1.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

***Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан 22 сентябрь куни «Toshkent» телеканали ўз кўрсатувини соат 14.55 дан бошлайди.***

15.00 «Пойтахт».
15.25 «Аёл қалби». Т /с.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.10 «Афсонавий қоялар». Т/ф.
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Қонун доирасида».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Истеъдод».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.00 «Репортаж». (рус).
21.10 «Менинг маҳаллам».
21.25 «Уйларим».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Тайна рукописи». Ҳ/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Баркамол авлод».
10.10, 16.10 Теннис. «Тошкент оупен» халқаро турнири.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Гандбол.
19.40 Кураш.
20.20 Аёллар спорт фестивали.
20.40 «Аптека слушает».
21.30 «Хабарлар»
21.55 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Берегись автомобиля» худ.фильм
13.10 Ўзбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Мўмин Ориповни хотирлаб...»
20.35 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ТРИНАДЦАТЫЙ ВОИН», худ. фильм
00.00 Миксер

### «ЎзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07:50 «Суғдиёна»
08:00 «Яхши кайфият»
08:30 «Янги авлод»
09:10 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09:30 «Янги бой» б/ф
10:50 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11:00 «Кутилмаган томоша»
11:10 Ҳужжатли фильм
11:35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11:45 «Тарона»
12:15 «Бизнес-репорт»
12:30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:30 «Ҳижрон» т/с
14:00 Кўнгил наволари
14:30 Оилавий экран: «Салтанат сеҳргари» б/ф
16:10 «Нинза тошбақалар» мультфильм
17:00 Болалар соати: «Янги авлод»
17:40 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
19:10 «Ҳалол» ўғирлик» х/ф
20:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
21:00 «Ҳижрон» т/с
21:30 «Бизнес-репорт»
21:45 «Истиқлол нашидаси»
22:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
22:30 «25-кадр» кинокўрсатув
23:00 Кечки кинозал: «Нотаниш» б/ф
00:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

# ЧОРШАНБА, 23 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Чорраҳа».
9.55 «Ягона оилада».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Эски альбом».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Т/с «Туташ тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Ўзбегим ёшлари - Малайзияда». 2-қисм.
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Минг бир ривоят».
19.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ шифокори».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.45 «Шимол ва жануб». Т/с.
23.45 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 «Ўзбегим ёшлари - Малайзияда». 2-қисм.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қишлоқ шифокори».
03.55 «Эски альбом».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Зебузар».
8.45 «Табиат оғушида».
9.00 «Илҳом қанотлари».
9.05, 12.50 «UzEX».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Устозлик ҳикмати».
10.00, 13.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Сирли ўрмонча».
10.40 «Камолот хабарлари».
10.50 «Ёшлар ва таълим».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.55 «Табиатни асрайлик!»
12.00 «Тонгги шудринг». Т/с.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 Тарих дарси: «Карфаген».
14.10 «Олтин тупроқ».
14.20 «Автопатруль».
14.40 «Қишлоқ тараққиёти».
15.00 «Салом, ёшлар!»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Фанга бир назар».
16.45 «Болалар илҳоми».
16.50 «Нафс гирдоби».
17.10 «Бугундан эсдалик».
17.30 «Дўст бўлиб қоламизми?» Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Устозга таъзим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Ўзбегим матолари».
20.40 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Келажак эгалари».
20.50 «Ҳаёт симфонияси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Миллий кино: «Чашма».
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».
00.00 «Салом, ёшлар!»
1.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж». (рус).
9.50 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Қонун доирасида».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.45 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).
11.15 «Аёл қалби».
11.40 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Аёл қалби». Т /с.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.15 «Наққош». Т/ф.
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Саломат бўлинг!»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Тошкентда латифа».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью». (рус).
21.10 «Дурдона».
21.25 «Ўйларим».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Громобой». Ҳ/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Баркамол авлод».
10.10 «ПрофРИНГ».
11.10 Теннис. «Тошкент оупен» халқаро турнири.
16.55 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Бунёдкор» - «Похан Стилерс». Танаффусда «Тет-а-тет».
18.50 «Хабарлар» (рус)
19.15 Гандбол. Ўзбекистон кубоги.
20.00 «ГОЛ».
21.10 Аёллар спорт фестивали.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Теннис. «Тошкент оупен» халқаро турнири.
23.00 Интерфутбол.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Тринадцатый воин», худ. фильм
13.30 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «M-files»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 Киноколлекция: «ЗЕРКАЛО» худ. фильм
00.00 Миксер

### «ЎзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07:50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08:00 «25-кадр» кинокўрсатув
08:30 Болалар соати: «Янги авлод»
09:10 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09:30 «Нотаниш» б/ф
11:00 «Кутилмаган томоша»
11:10 Ҳужжатли фильм
11:35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11:45 «Тарона»
12:15 «Бизнес-репорт»
12:30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:30 «Ҳижрон» т/с
14:00 Кўнгил наволари
14:30 Оилавий экран: «Мафтункор» б/ф
16:10 «Нинза тошбақалар» мультфильм
17:00 Болалар соати: «Янги авлод»
17:40 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 «Афюн гирдоби» б/ф (1-қисм)
19:35 «Иқрор» х/ф
20:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
21:00 «Ҳижрон» т/с
21:30 «Бизнес-репорт»
21:45 «Истиқлол нашидаси»
22:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
22:30 «Дилкаш лаҳзалар»
23:00 Кечки кинозал: «Забаржад» б/ф
00:15 «Тунги ором» мусиқий дастур
00:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

# ПАЙШАНБА, 24 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Мулкдор».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Очун».
16.20 «Эл тинчлиги йўлида».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Олтин мерос».
17.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.40 «Саёҳатга марҳабо!»
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Тарих кўзгуси».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.50 «Шимол ва жануб». Т/с.
23.50 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.05 «Тараннум».
00.50 «Очун».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Тарих кўзгуси».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Донишманд Натан».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Зебузар».
8.45 «Ҳаёт завқи».
9.00 «Илҳом қанотлари».
9.05 «UzEX».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Устозлик ҳикмати».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Китоб – офтоб».
10.30 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
10.40 «Нафс гирдоби».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.55 «Сувни асранг!»
12.00 «Тонгги шудринг». Т/с.
12.50 «UzEX».
12.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 Тарих дарси: «Қадимги Миср».
14.10 «Олтин тупроқ».
14.20 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Инсон психологияси».
14.50 «Ҳаёт симфонияси».
15.00 «Салом, ёшлар!»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Фанга бир назар».
16.45 «Болалар илҳоми».
16.50 «Чемпион».
17.10 «Автопатруль».
17.30 «Дўст бўлиб қоламизми?» Б/ф. 2-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Устозга таъзим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «KINOMANIYA».
20.50 «Ҳаёт симфонияси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кўнгил».
22.00 «ДАВР».
22.30 Киноклассика: «Бензоколонка маликаси».
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».
00.00 «Салом, ёшлар!»
1.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью». (рус).
10.00, 17.50, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.25 «Тошкентда латифа».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).
11.10 «Хор жамоасининг концерти».
11.20 «Лесси». Б/ф.
12.50 «Дурдона».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Аёл қалби». Т/с.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.10 «Фориш». Т/ф.
17.40 «Карвонсарой».
18.15 «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Иқтисод-ревю». (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.30 «Пойтахт».
22.25 «Высокий дух». Ҳ/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Баркамол авлод».
10.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.35 «РИНГ».
11.10, 16.10 Теннис. «Тошкент оупен» халқаро турнири.
18.00 «Хабарлар» (рус)
18.25 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» - «Ал Иттиход». Танаффусда «Тет-а-тет».
20.20 Гандбол.
21.10 Аёллар спорт фестивали.
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Формула -1».
22.50 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Зеркало» худ. фильм
13.30 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (узб)
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 «Baby Terra Landiya»
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Энг сараси TVM да!»
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «M&TVA-2008» тақдимоти совриндори «ТЕЛБА» бадиий фильми
23.40 Миксер

### «ЎзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусиқий дастур
07:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07:50, 20:50 «Суғдиёна» аёллар кўрсатуви
08:00 «Дилкаш лаҳзалар»
08:30 «Янги авлод»
09:10, 17:40 «Ёшлар» студияси кўрсатуви
09:30 «Забаржад» б/ф
10:45 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11:00 «Кутилмаган томоша»
11:10 Ҳужжатли фильм
11:35 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
11:45 «Тарона»
12:15 «Бизнес репорт»
12:30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:30 «Ҳижрон» т/с
14:00 Кўнгил наволари
14:30 Оилавий экран: «101 та далмат кучукчалари» б/ф
16:15 «Нинза тошбақалар» мультфильм
17:00 «Оилангиз шифокори»
17:00 «Янги авлод»
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 «Афюн гирдоби» б/ф (2-қисм)
19:40 «Адашганлар қисмати» х/ф
20:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
21:00 «Ҳижрон» т/с
21:30 «Бизнес-репорт»
21:45 «Истиқлол нашидаси»
22:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
22:30 «Яхши кайфият»
23:00 Кечки кинозал: «Омадли жентельменлар» б/ф
00:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Истиқлол боис мамлакатимиз журналистикаси ҳуқуқий маконда тегишли қонунлар доирасида фаолият кўрсатиб, биринчи галда, унинг халқ манфаатларига хизмат қилиши ҳаётий заруратга айланди. Зеро, демократик ҳуқуқий жамиятда оммавий ахборот воситалари ўрнини ҳукумат эмас, балки аудитория ва ўқувчилар доираси белгилайди. Шунинг учун республикамизда эркин оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг жаҳон андозалари ва демократия талабларига мос ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш муаммоси кун тартибидаги долзарб масалага айланди.**

Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида журналистлар жамоаларининг янги тарихий шароитдаги ҳуқуқий ҳолати асослаб берилди: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва у қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». Бу ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ўнлаб қонунлари журналистларнинг ҳуқуқий доирасини кенгайтирди. Шу билан бир қаторда, журналистлар зиммасига бурч ва мажбуриятлар ҳам юкладики, улар бу масъулиятни ҳамиша ҳис қилиб фаолият кўрсатмоғи лозим.

Аввало, Асосий Қонунимизда оммавий ахборот воситаларига алоҳида боб ажратилиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Конституция муътабар ҳужжатдир. Унга сўзсиз амал қилмоқ, итоат этмоқ ҳар бир фуқаронинг бурчи. Журналист гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисани ўз билганича тасвирлайди. Албатта, қонунлар доирасида. Бу эса, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари ёки журналистнинг эркинлигига зинҳор путур етказмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни 1997 йилнинг 26 декабрида қабул қилинганди. Ушбу Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йилнинг 30 августида муҳим ўзгартиришлар киритди. Дастлаб қабул қилинганда 30 моддадан иборат бўлган мазкур Қонунга бешта модда қўшилди, айрим моддалар ихчамлаштирилиб, мазмунан бойитилди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг тубдан такомиллаштирилган янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йилнинг 15 январида тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинди. Эндиликда мазкур Қонун махсус бобларга бўлиниб, ҳар бир боб оммавий ахборот воситалари фаолиятининг бирон-бир жиҳатини тартибга солиш бўйича изчил 40 моддадан ташкил топган.

Бошқача айтганда, ушбу Қонуннинг олдинги матнида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг турли соҳалари муайян институтлар сифатида ажратиб берилмаган эди.

Биринчи боб «Умумий қоидалар» деб номланган бўлиб, унда мазкур Қонуннинг мақсади, қўлланилиш соҳаси, оммавий ахборот воситалари, уларнинг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги, у ҳақдаги қонун ҳужжатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилмаслик тўғрисидаги моддалар ўрин олган. Иккинчи бобда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш» билан боглиқ ҳолатлар ифодаланган. «Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш» деб номланган учинчи бобдаги олтита моддада зарур жараён бўлган оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ энг кичик ҳолатлар ҳам назарда тутилиб, батафсил тушунчалар берилган. Тўртинчи бобдаги моддалар Қонуннинг илгариги вариантларида учрамайди, улар моҳиятан тамоман янги. Ушбу бобда оммавий ахборот воситалари маҳсулоти нималардан иборат экани, уларни тарқатиш тартиби, даврий босма нашрларга иловалар, бундай нашрларнинг электрон шакли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш тартиби юзасидан аниқ тушунчалар келтирилган. Бешинчи бобдаги қатор моддалар ҳам аниқликлар киритилиши ҳисобига тўлдирилган. Қонуннинг олтинчи боби тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни жиддий тарзда такомиллаштирилган ва тўлдирилган.



Ўзбекистон журналистикаси миллий истиқлол туфайли ўз тарихида илк бор демократик тараққиёт учун зарур бўлган ҳуқуқий-сиёсий асосга эришди. Бу асос эркин жамият шароитидаги журналистика ривожининг муҳим кафолатидир. Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини жамиятни ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи, энг муҳим устувор йўналиш сифатида эътироф этди. Маърузада таъкидланганидек: «Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак».

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастури амалга оширилаётган мамлакатимизда учинчи ҳокимият билан «тўртинчи» ҳокимиятда ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилмоқдаки, бу ҳам замон талабидир.

Маълумки, суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар муайян ҳуқуқий базага таянади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шартли равишда учга бўлиш мумкин:

1) халқаро нормалар;

2) конституциявий нормалар;

3) қонун ва қонуности ҳужжатлари нормалари. Ўзаро муносабатларимизнинг халқаро ҳуқуқий асоси сифатида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол»ни, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилот ва альянслар олдидаги мажбуриятларини, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан суд-ҳуқуқ соҳасига, ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномаларини тилга олиш мумкин.

Суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари муносабатларининг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида қайд этилган.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда суд ҳокимиятининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи муҳим база қонунлар ва қонуности ҳужжатлари нормаларидир. Булар сирасига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунларни киритишимиз мумкин.

Ҳар қандай ижтимоий ислоҳотлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳот ҳам ахборот таъминотига муҳтождир. Суд ҳокимиятининг самарали фаолият юритиши, халқ ишончига сазовор бўлиши журналистларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб этади. Журналистларнинг ҳуқуқий соҳа бўйича ихтисослашувини таъминлаш олдимизда турган кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади. Бундан ташқари, суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, янги босқичга кўтариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Масалан, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган суд фаолиятига оид материалларни таҳлил этиб бориш, бу таҳлиллар асосида суд ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқилса ҳамда хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситаларининг муносабатларига доир тажрибаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилса, фойдадан холи бўлмайди.

Оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунларнинг қабул қилиниши конкрет шароитдан, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли келиб чиққан ҳодиса бўлиб, юртимизда турли фикрлар ва қарашлар ривожланиб бораётганини ҳамда демократик қадриятларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олганлиги аломатидир. Демак, журналистиканинг жамиятда «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги ўрни демократиянинг ёши, сифати, тажрибаси ва тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситаларига тегишли конституциявий меъёр ва қонунлар журналистика самарадорлигининг асосий омили ҳисобланади.

Бинобарин, журналистика фаолияти ҳеч қачон бир давлат доирасида қолиб кетмайди. Фикр ва сўз эркинлиги чегара билмайди. Акс ҳолда, дунё тараққиётидан бебаҳра қолиб, таназзулга юз тутган бўлар эди. Айниқса, сўнгги йилларда жаҳон ахборот тизимининг глобаллашаётгани, интернетдек халқаро ахборот тармоғининг ривожланиб бораётгани туфайли ахборотнинг тарқатилиши борасидаги ҳар қандай чегаралар йўққа чиқмоқда. Миллий чегаралар ахборотлар оқими олдида «шаффофлашиб», «ойдинлашиб» қолди. Бу ҳол кўп жиҳатдан дунёда ахборот оқимининг кучайиши, ахборот тарқатувчи воситаларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асослар, шарт-шароитларнинг яратилганлиги билан боғлиқдир. Зотан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ҳаммамиз учун буюк бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни асраш, доимо огоҳ бўлиб яшаш бугунги таҳликали замонда қандай муҳим аҳамият касб этаётганини.... тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

Умуман олганда, журналистиканинг ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши учун қуйидаги тўртта муҳим ҳуқуқий асос бўлиши мақсадга мувофиқ:

— демократик ва мустаҳкам конституциявий кафолат ҳамда унинг амалга оширилиши;

— демократик қонунлар ва ҳуқуқий нормалар (шу жумладан, оммавий ахборот воситалари иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий кафолати) ҳамда уларнинг амалда ишлаши;

— сиёсий эркинлик шарт-шароитлари, яъни давлат ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари ишига аралашувининг тадқиқи ҳамда уларнинг ҳукуматни танқид қилиш ҳуқуқи;

— ниҳоят, энг сўнгги, лекин энг муҳим асос — мустақил суд ҳокимияти.

Қисқаси, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифати ва самараси жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда ижтимоий институтларга, хусусан, оммавий ахборот воситаларига кенг ўрин берилади. Зотан, бугун олдимизда ўзбек оммавий ахборот воситаларини жаҳон матбуотининг энг илғор, замонавий андозалари даражасига олиб чиқиш ҳамда миллий ўзига хос шакл ва мазмунни қарор топтиришдек муҳим вазифа турибди. Шу мақсадда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизимини яратиш, уни доимий тарзда мустаҳкамлаб бориш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил ва тўлиқ бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Назира АБДУАЗИЗОВА,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР – ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

*Халқимиз азалдан ариқ қазиб сув келтирган, кишиларнинг заҳматини енгиллатиш учун кўприк қурган ва юрт болаларига таълим-тарбия берган инсонларни эъзозлаб келган.*

Ҳа, тарбия биз учун ҳамма замонларда ҳам ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Маърифатпарвар боболаримиз юртимиз таназзулини бежизга жоҳилликда, илмсизликда кўрмаганлар. Дунёда мавжуд бўлмоқликнинг шарти, шубҳасиз, замонавий билимларни эгаллаш ва ҳаётга татбиқ қилиш биландир. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уни обод қилиш ва элимиз фаровонлигини таъминлаш ана шунга боғлиқ. Зеро, дунёдаги барча эзгуликлар замирида гўзал ахлоқ ва бой билим-тажриба ётиши сир эмас.

Устоз ва мураббийлар ҳақида сўз кетганда ўзининг кўз нури ва қалб қўрини ўзгалар фарзандидан аямайдиган, онадек меҳрибон, ота сингари шафқатли зотлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Улар боғча ёшиданоқ бизни оқу қорани фарқлашга ундаганлар. Мактаб партасида қўлимизга илк бор қалам тутқазиб, билимларнинг очқичи — алифбони ўргатганлар. Шунингдек, улғайиб, олийгоҳ остонасидан ҳатлаганимизда турли фанлар бўйича асосли маърузалари билан дунёқарашимизда бурилиш ясаган, бизни фикрлашга, ҳаётдан тўғри хулоса чиқариб яшашга даъват этган, бирор ишнинг бошини тутганимизда унинг сир-асрорларидан воқиф этган ғамхўр, мунис ва меҳрибон устоз ва мураббийларимиздан умрбод миннатдормиз.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, барча соҳалар сингари таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга ҳам катта эътибор қаратилди. Зеро, юртимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйиш, унинг буюк келажагини бунёд этишдек эзгу мақсадларга етишиш учун ҳам ана шундай ислоҳотлар зарур эди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Баркамол авлод орзусида таълимга, умуман, ижтимоий соҳаларга сарфланган маблағларга харажат сифатида эмас, келажакка қўйилган сармоя сифатида қаралди. Ана шу мақсадлар учун давлат бюджетининг салмоқли ҳиссаси ажратилди. Натижада тарихан қисқа даврда дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор улкан ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган юзлаб бир-биридан гўзал академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган, бир нечта тилларни ўзлаштираётган, касб –ҳунар эгаллаётган ёш авлод эртанги куннинг ишончли эгалари сифатида майдонга чиқмоқда.

Келинг, яхшиси биргина умумтаълим соҳасида амалга оширилаётган · янгиланишларни олиб кўрайлик. Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарори мактабга, таълим-тарбияга эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган мазкур умуммиллий дастур мактаб таълимини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини белгилаб берди. Булар — аввало, умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш, иккинчидан, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш, учинчидан, таълим



стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, тўртинчидан, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, бешинчидан, мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантиришдан иборатдир.

Жаҳон андозаларига мос қулай ва шинам мактаб бинолари, синф хоналарига эга бўлиш масаланинг бир томони. Унинг иккинчи ва асосий жиҳати эса таълимнинг мазмун-моҳиятига чуқур эътибор қаратишдан иборатдир. Ана шу мақсадда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш соҳа мутасаддиларининг диққат марказида бўлди. Бу борада академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлашда тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланилди. Илгарилари оддий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари ва уларнинг бутловчи қисмлари ҳам хориждан келтириларди. Эндиликда ушбу жиҳозларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида таълим муассасаларидаги физика, химия, биология лаборатория хоналари, замонавий инвентарларга эга спорт залларининг сони ортди.

Электрон ўқув воситалари яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида турли фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имконини кенгайтириб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, **"Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".**

Ўқитувчи, устоз ва мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамиша ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлиб келган. Зеро, таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш ҳар жиҳатдан уларнинг меҳнатига боғлиқ. Бу борада юртимизда ҳавас қилса арзигулик катта ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 ноябрдаги ҳамда ҳукуматимизнинг 2005 йил 21 декабрдаги қарорлари қабул қилиниб, 2006 йил 1 январдан ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизими жорий қилинди. 9765 та умумтаълим мактабларида Директор жамғармаси ва Махсус комиссиялар тузилди. Жорий йилда Директор жамғармаси учун 135 миллиард 310 миллион сўм маблағ ажратилиб, 212 568 нафар ўқитувчига (жами ўқитувчиларнинг 43,7 фоизи) Директор жамғармасидан устама берилмоқда. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи барча устама ва қўшимчалар билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 2004 йилдагига нисбатан 4,1 бараварга ошди. Ўз навбатида бу улкан рағбат уларнинг ишга бўлган муносабатини янада яхшиланишига, меҳнат унумдорлигининг ортишига олиб келди.

Илмли, маърифатли, зиёли инсонлар миллатнинг, халқнинг бахтидир. Давлатларнинг интеллектуал салоҳияти маърифатли инсонларнинг кўплиги билан, уларнинг жамиятдаги нуфузи, обрў-эътибори билан белгиланади. Устоз ва мураббийлар ана шу сафнинг бошида турадилар. Уларга юксак, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши ҳам шундан.

Ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий шундай лутф қилганлар:

***Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.***

Яъни, сенга машаққат билан Ҳақ йўлида бир ҳарф ўргатган кишининг ҳаққини юз хазина бериб ҳам адо этиб бўлмайди.

Рост, бизга ҳарф ўқитиб, оқ-қорани танитган, катта ҳаёт остонасига кузатган инсонларнинг яхшиликларини моддий қийматга эга бирор нарса билан узолмаймиз. Бу маънавий қарздорлик елкамизни бир умр босиб туради. Уни узишнинг шарти эса устозлар наздида жуда оддий — ҳаётда улар кўрсатган, буюрган тўғри йўлдан юриш, ота-она, эл-юрт хизматига камарбаста бўлиш. Зеро, шогирдлар эришган марранинг ўзи, улар камоли устоз ва мураббийлар қалбини чексиз юксалтиради. Шогирдлари муваффақиятини кўрганда бамисоли тилла топган одамдек суюнадиган, иши терс кетиб, ҳаёт сўқмоқларида беихтиёр қоқилганида улардан-да кўпроқ куйинадиган ҳам ана шу зотлардир.

Мураббийларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Юқорида ҳазрат Навоийдан гўзал мисралар келтирдик. Устозни ҳурмат қилишни ҳам аслида у кишидан ўрганишимиз лозим. Ривоят қилишларича, у зот от миниб кетаётганларида йўл бўйида ўйнаб юрган бир ёш болага кўзлари тушади. Улуғ шоир, йирик давлат арбоби отнинг жиловини оҳиста тортиб, аста эгардан тушади ва бориб болага салом беради. Обрў-эътиборли бир кишининг қилган бу ишидан ҳайрон бўлган ҳамроҳлари ундан ушбу ҳолнинг шарҳини сўрашганида, ҳазрат бу бола устозларининг фарзанди эканини билдирадилар. Устозининг ота-онасига, фарзандига ва оила аҳлидан бўлган бошқа бировга кўрсатилган ҳурмат унга кўрсатилган ҳурматдир.

Замонамизнинг аллома шоири, Ўзбекистон халқ қаҳрамони Абдулла Орипов ўзининг "Муаллим" шеърида устозларга бўлган эҳтиромини мана бундай гўзал ташбеҳ билан ифодалайди:

***Шоирга дедилар:***
***— Сиз бахтли инсон,***
***Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.***
***Шоир жавоб қилди:***
***— Менда бир армон:***
***Муаллим десалар мени қанийди!***

Севимли шоир ҳамиша халқ ардоғида. Аммо халқ ичида уни "Муаллим!" деб аташлари ҳар қандай эъзозу шуҳратдан ҳам улуғроқ бўлишини камтарлик билан қайд этади, муаллим дея аталмаганидан бир ширин армон туяди. Ана шу гўзал ташбеҳнинг, сирли ва сеҳрли сўзнинг ўзидаёқ муаллимга, устоз ва мураббийга нисбатан халқимизга хос юксак иззат-икромни, чуқур ҳурмат ва эҳтиромни кўришимиз мумкин.

Устоз-шогирдлик анъаналари минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Халқимизга хос бундай бетакрор қадрият ички ишлар идораларида ҳам амалда. Бугунги кунда тизимга хизматга олинаётган ёш ходимларга тажрибали, ҳаётни, хизматни кўрган ходимлардан мураббий бириктирилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Янги иш бошлаган ходим ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди. Табиийки, соҳанинг сир-асрорлари ва фаолият йўналишини ўрганиш бир мунча меҳнат, машаққат ва бир муддат вақт талаб қилади. Бу вақт оралиғида у билиб-билмай хато-камчиликларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Ана шундай жараёнда мураббий унга яқин кўмакчи, меҳрибон устоз сифатида ёрдамга келади. У ўзига бириктирилган ходимга тўғри йўл-йўриқлар беради, ёрдам қўлини чўзиб, хатоларини тузатади, хизматга бўлган иштиёқини кучайтиради. Кечагина тажрибасиз мутахассис сифатида иш бошлаган ходим йиллар ўтиб ўзи устоз-мураббийга айланади. Шу тариқа занжир кўринишидаги бир бутун тизим хизматнинг узлуксизлигини, ҳаётнинг давомийлигини таъминлайди.

Инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган маънавий таҳдидлар, мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар авж олган бугунги мураккаб бир замонда устоз ва мураббийларга, уларнинг маънавий мададига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортган. Шиддаткор давр зиёлилардан, устоз ва мураббийлардан маънавий тарбияни кучайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар кутмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларнмизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимнзни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимнз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четта чиқиб қолишимнз мумкин".**

Умримизга зеб берган, ҳаётимизга маъни киритган устозларнинг шахс камолотидаги ўрни хусусида гап кетганда машҳур бир ҳикоят ёдга тушади.

Шогирд файласуф устозидан сўради:

– Устоз, не сабабдан устоз отангдек улуғ, дейишади?

Донишманд жавоб берди:

– Боиси шуки, ота ўз боласини осмондан ерга туширади. Бошқача айтганда, унинг туғилишига сабабчи бўлади. Устоз эса ана шу фарзандга илму ҳунар ўргатиб, чиройли одоб бериб, уни қайта осмонга чиқаради, яъни камолга етказади.

Дарҳақиқат, муаллимлар ва мураббийларни камолот кўзгуси, қўлида маёқ тутиб, инсониятни зулматдан ёруғлик сари олиб ўтаётган инсонларга қиёсласак, ўйлайманки, муболаға қилмаган бўламиз. Уларнинг шаънига ҳар қанча яхши гаплар, гўзал ташбеҳлар айтсак ҳам камлик қилади. Мамлакатимизда устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган эҳтиром ва ғамхўрликнинг эса чек-чегараси йўқ. Мана, бир неча йилдирки, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни юртимизда кенг нишонланиб келинмоқда. Мазкур кун дам олиш куни сифатида қайд этилгани ҳам уларга бўлган чексиз ҳурматдан далолатдир. Устоз ва шогирдлар дийдорлашадиган бундай шодиёна дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатида йўқ, десак хато қилмаймиз.

Ҳа, қалбимиз, ақлу шууримизга сўнмас зиё олиб кирган эзгулик етакчиларини ҳар қанча улуғласак, уларга таъзим бажо келтириб, эҳтиром кўрсатсак, шунча оз. Устоз ва мураббийлари қадр топган юртнинг бугуни мунаввар, эртанги куни эса бугунида-да нурафшон бўлаверади.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази**
**бош инспектори,**
**лейтенант.**

ЭЛГА НАФИ ТЕГАЁТГАНЛАР

# ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

**Бошқарбой Нишонов узоқ йиллар жамоа хўжалигига раҳбарлик қилиб, маҳаллалар обод, ҳаёт фаровон бўлиши йўлида самарали меҳнат қилган. Камтарин, ҳалол, ҳамиша адолат юзасидан иш кўрган бу инсон бугун орамизда бўлмаса-да, барча унинг номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Чувалачи қишлоғи марказидаги у киши яшаган маҳалла ҳозирда унинг номи билан аталиши ҳам бежиз эмас, албатта.**

Бугунги кунда тобора чирой очиб бораётган мазкур гўшада 3700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳлининг асосий даромади деҳқончиликдан. Кўпчилик далада тер тўкади. Бундан ташқари, ҳар бир оила томорқасида помидор, бодринг, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, эҳтиёждан ортганини шаҳарликларга етказиб беради. Даромадга қараб буромад деганларидек, одамларнинг турмуш шароити шунга яраша яхшиланиб бормоқда.

Қишлоқдаги асосий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари Бошқарбой Нишонов маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бир нечта озиқ-овқат дўкони, ошхона, чойхона, сомсахона, новвойхона, сартарошхона, дорихона, тикув цехи хизматидан барча мамнун. Ўғил-қизлар замонавий мактаб биносида таълим олишаяпти. Маҳалладан пойтахтдаги «Чорсу» бозорига йўналишли такси қатнови йўлга қўйилгани, шунингдек, «ISUZU» русумдаги автобуслар ҳаракат қилаётгани аҳолига катта қулайлик яратди.

Тадбиркорликда гап кўп. Ҳақиқий ишбилармон қайси соҳада иш кўрса ҳам фойда кўради, ҳам атрофидагиларга нафи тегади. Маҳаллада яшовчи хусусий тадбиркор Аъзам Маҳаматбеков «Тинчота» қабристонига олиб борадиган йўлни ўз ҳисобидан асфальт қилиб берган эди. Ўтган йили шу йўлни яна таъмирлдан чиқариб берди. Бу савобталаб инсон Толипов кўчасининг бир қисмига асфальт ётқизишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, келгусида асфальтланиши кутилаётган Алимов, Ҳошимов ва Тошхўжаев кўчаларига бепул шағал келтиришни ўз зиммасига олди. «Иззат» хусусий фирмаси раҳбари Ҳамидулла Зуфаров ҳомийлигида эса маҳалла идораси, милиция таянч пункти, савдо шохобчалари, болалар истироҳат боғини ўз ичига олган янги гузар қурилиши нихоясига етай деб қолди.

— Одамлардаги ҳамжиҳатлик, ҳар бир ишда якдил эканликлари турмушимиз яхшиланиб боришида асосий омил бўлаяпти, — деди фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Қушанбоев. — Биз барча ишларни фаоллар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бамаслаҳат ҳал қилаяпмиз. Халқ орасида обрў-эътибор топган Қурбон ака Қаюмов ободончилик ишлари, Тожибой ака Алимов эса тўй ва маъракаларни ўтказишга бош-қош. Боймирза Мирзаев, Равшан Худойбердиев, Аваз Мамадалиев каби кўчабошилар байрам ҳамда бошқа маросимларни ўтказиш, ҳашарлар пайтида фаоллик кўрсатишаяпти. Профилактика инспектори, катта лейтенант Шуҳрат Юсупов яқинда иш бошлаган бўлса-да, ишчан ва хушмуомалалиги билан фуқароларимиз кўнглига йўл топа олди. Унга «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони Тоштемир Эгамбердиев ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда яқиндан ёрдам бераяпти.



Маҳаллани айланиб шу нарсага амин бўлдикки, бу ерда аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилар экан. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Тожигул Болтабоева мактаб ўқитувчилари билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида маърифий суҳбатлар, мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор бераяпти. Катта ҳаёт остонасида турган О. Фарруҳ ва П. Ҳасан турли баҳоналар билан иқтисодиёт коллежига ўқишга бормай қўйганди. Т. Болтабоева ва фаолларнинг аралашуви билан улар яна билим юртига тикланди. Маҳаллада яшовчи икки ёш оила бузилиш арафасида эди. Яраштириш комиссияси раиси Ойниса Болтабоева ҳар икки оила аъзолари билан суҳбатлашиб, ёшларни яраштириб қўйди. Айни пайтда улар аҳил турмуш кечиришмоқда.

— Маҳалланинг Қозоғистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашгани, қўшни мамлакатдан ноқонуний товар-моддий бойликлар кириб келиши ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш профилактика инспекторидан катта масъулият талаб қилади, — деди Тошкент тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Ойбек Исмоилов. — Шу боис тумандаги мазкур маҳаллага аввалги иш жойларида ўзини яхши томондан кўрсатган катта лейтенант Шуҳрат Юсупов номзодини тавсия қилдик. Айни кунларда у ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун бор ғайрати ва маҳоратини ишга солаяпти.

Ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқлар қўлга киритилаверади. Профилактика инспектори фаоллар, маҳалла посбони, яраштириш комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи билан ҳамкорликда иш кўраётгани учун жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллада бирорта ҳам жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

**Фуркат ХОЛИКУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Тошкент вилояти.*

Суратда: *маҳалла оқсоқоли Т. Қушанбоев профилактика инспектори, катта лейтенант Ш. Юсупов, посбон Т. Эгамбердиев билан галдаги ишларни режалаштирмоқда.*

**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган сурат.**

ХИЗМАТЛАРДА

**Баъзи инсонлар билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиб, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлади. Бундай пайтларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати уларнинг жонига оро кириб, мушкулларини осонлаштиради.**

# ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРГА ЭЪТИБОР

Озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури ҳам жиноятчига қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда ўз йўлини топиб олиши учун берилган имкониятдир. Қарши тумани ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш гуруҳи томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 166 нафар маҳкум ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлар ўтказилади.

Уларни иш билан таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқий кўмак беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда улар ўртасида тарбиявий ишлар йўлга қўйилган. Биргаликда қилинаётган саъй-ҳаракатлар адашган инсонларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Маҳкумлар ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилингач, жазони ўташдан бўйин товламасликлари лозим. Акс ҳолда бу ҳукм озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилади. Мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган, қилмишидан тўғри хулоса чиқарган 8 нафар маҳкум суд томонидан муддатидан олдин жазодан озод этилди. Жазони ўташдан бўйин товлаган икки нафари эса жазони ижро этиш муассасасига қайтарилди. Масалан, F. Фурқатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланганди. Жазони «Эшқувватов Исом» фермер хўжалигида ўташи белгиланган. Унга бир неча бор тушунтирилганига қарамай ишга чиқмади. Натижада белгиланган жазонинг ўталмай қолган қисми озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилди.

Келгусида бундай ҳолатлар қайтарилмаслиги учун тарбиявий ишлар кучайтирилмоқда.

**Руслан ЭЛБОЕВ,**
**сержант.**
**Майсара ҚЎЙЛИЕВА,**
**журналист.**
*Қашқадарё вилояти.*

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

# ИШОНЧ — МАСЪУЛИЯТ ДЕГАНИ

**Маълумки, қўриқлаш хизмати зиммасига давлат, халқ хўжалиги масканлари ҳамда фуқаролар хонадонларини ишончли муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа юкланган. Хўжаобод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимлари хизмат вазифасини юксак даражада адо этиш билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳам фаол иштирок этишаяпти.**

Бугунги кунда ходимларимиз томонидан 64 та маскан қўриққа олинган бўлиб, шундан 49 таси техник қўриқлаш пультига уланган. Шунингдек, ўндан ортиқ хонадон доимий назоратда. Ўтган давр мобайнида халқ хўжалиги масканларини қўриқлаётган ходимларнинг фаолиятини яхшилаш, хизмат самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу туфайли қўриқланаётган масканлар ва хонадонларда ўғриликлар содир бўлишига йўл қўйилмади.

Ходимларимизнинг ҳушёрлиги туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 62 та майда ташмачилик ҳолатлари аниқланди. Қонунбузарларнинг 60 нафарига судлар томонидан 1 млн. 962 минг сўмдан зиёд миқдорда жарима солинди. Халқимизда касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал деган нақл бор. Бўлинма раҳбарияти ва шахсий таркиби бунга амал қилган ҳолда қўриқланаётган халқ хўжалиги масканларида майда ташмачиликларнинг олдини олиш, талон-тарожликларга йўл қўймаслик борасида ишчи-хизматчилар ва фуқаролар ўртасида 15 марта суҳбатлар уюштиришди. Шунингдек, қўриқловдаги масканларнинг техник мустаҳкамлиги текширувдан ўтказилди.

Булардан ташқари, туман ҳудуди бўйича олиб борилган текширувлар чоғида нефть маҳсулотларини ноқонуний сақлаш ва сотиш юзасидан 8 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 1287 литр қўлбола бензин маҳсулотлари мусодара қилинди. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати билан 800 литр дизель ёнилғиси қўшни давлатга олиб ўтилишининг олди олинди. Тумандаги Хидирша маҳалласида ўтказилган «Тозалаш – Антитеррор» тадбирида нефть маҳсулотларини ўғирлаб, қайта ишлаш билан шуғулланувчи 13 та хонадон аниқланди. Қонунбузарлардан 41 та турли хил ҳажмдаги ускуналар, 6417 литр қайта ишланган нефть маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Жумладан, «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини Мундуз маҳалласида яшовчи Қ. Матлубанинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда оғилхонасига яширилган ҳажми 350 литр нефть маҳсулотини қайта ишлашга мослаштирилган қўлбола ускуна борлиги аниқланди. Хонадон эгаси 500 литр нефть маҳсулотини қайта ишлашга тайёрлаб қўйганлиги маълум бўлди. Унинг маҳалладоши С. Паризоднинг уйидан эса 400 литр нефтни қайта ишлайдиган мослама ва қарийб 800 литр нефть маҳсулоти борлиги аниқланди.

Шу йил 19 июнь куни вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда «Хўжаобод – Андижон» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Зил-130» русумли автомашина тўхтатилиб, текширилди. Унинг юкхонасида «Хўжаобод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятидан олиб чиқилган 4826 килограмм пахта мазкур жамият ишчиси М. Шавкат томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Кўриниб турибдики, ходимларимиз эл ишончини қозониш йўлида куну тун хизмат олиб боришмоқда. Зеро, ишонч – масъулият юклайди.

**Воҳиджон НОРМАТОВ,**
**капитан.**
**Азизхон БУЗРУКОВ,**
**журналист.**
*Андижон вилояти.*

ҲАЖВИЯ

# УШЛАНГ, ЎҒРИНИ!

*(Озгина лоф қўшилгани сезилмаса керак)*

Йўққулободда эмас, ўзимиз яшаётган сайёрада французларнинг бир фильми бўларди. Ундаги қаҳрамоннинг уйи Франция-Италия чегарасида жойлашган бўлиб, чегара уйининг қоқ ўртасидан ўтаркан. Яъни, уйининг бир-икки хонаси Францияда, ошхона билан ҳожатхонаси эса Италияда экан. Бояқиш қаерда туғилганини билолмай сарсон. Агар меҳмонхонада туғилган бўлса, франциялик бўлади, онаси ошхонада туғиб қўйган бўлса, италиялик бўлади. Бу энди кулгили бир ҳангома. Шунга ўхшаш ҳангома Йўққулободда ҳам бўлибди.

Борқул машинасини кўча четига қўйиб, бозорга кириб кетди. Чиқиб қараса-ки, машинани ўғри очиб, кичкина ҳамённи олиб кетибди. Дарров полис маҳкамасига борди. «Машина кўчанинг чап томонида эдими ё ўнг томонидами? — деб сўрашди. «Ўнг томонида», — деди. «Унда Ўнгқулобод» туманига борасиз, ўнг томон «Ўнгқулобод» туманининг ери, биз «Чапқулобод» туманимиз», — дейишди. Борқул «Ўнгқулобод» туман полис маҳкамасига борди. Улар дейишди-ки: «Тўғри, машина бизнинг туманда турган. Лекин ўғри «Чапқулобод» туман еридан ўтиб келиб, ўғирлаб бўлгач, яна «Чапқулобод» туман ерига ўтиб кетган. Бу иш билан «Чапқулобод» туман полис маҳкамаси шуғулланиши керак». Борқул яна «Чапқулобод» туман полис маҳкамасига бориб, «Ўнг»дан эшитганларини айтди. «Тўғри, — дейишди улар, — аммо ўғри бизнинг туманда қолмаган, у «Орқақулобод» туманига ўтиб кетган. Ўғри ўша ерда, ўша ерга боринг». «Орқа» туманга борган эди, ўғрининг Биқинқулободга ўтиб кетгани маълум бўлди. Борқул деганимиз гапга кўниб, «хўп» дейдиганлардан эмас. Шарт Биқинқулободга ҳам борди. Унда маълум бўлди-ки, ўғри Қуйруққулободга ўтиб кетибди. Борқул у ерга, ундан Бўксақулобод-у, Болдирқулободга бориб, Йўққулободнинг жами ерларини босиб ўтиб, камига уммонларидан ошиб, яна ўзининг қадрдон бозор кўчасига келиб қараса-ки, кўчанинг чап томонида турибди. «Чапқулобод» туман полис маҳкамасига бориб саргузаштини айтиб, юрган йўлларини харитада кўрсатди. Харитани диққат билан кўздан кечирган полис: «Ака, сал адашибсиз, харитага қараганда, ўғри кўчанинг ўртасига келибди. Кўчанинг ўртаси эса бизнинг туманга қарамайди. У «Ёнбошқулобод» туманига қарайди», — деди. Борқул «Ёнбошқулобод» туманига борди, кейин ундан нарисига. Ўжарлик ҳам эви билан-да! Ўғрининг изидан тушиб яна неча мамлакатларни босиб ўтди. Яхши ҳамки Йўққулобод юмалоқ шаклда барпо этилган. Қайси томонга қараб юрилса, айланиб келиб, яна ҳаракатини бошлаган ўша нуқтасида пайдо бўлинаверади. Борқул ҳам шу зайлда юра-юра яна «Чапқулобод» туманига келди. Машинасини қўйиб, уч-тўрт қадам босиб орқасига қараса, ўғри калит соляпти. Борқул қувониб кетиб ўғрини қучоқлаб олди. «Оғайни, ўғирласанг ўғирлай қол, фақат машинани туман полис маҳкамасининг рўпарасига қўяй, ўша ерда ўғирлагин. Мени сарсон қилмагин». Ўғри кўнди. Аммо... Майли энди қолган саргузаштларни айтиб бошингизни оғритмайлик. Сиз балки «ўғри ўғирлаган кичкина ҳамёнда нима бор эди, пул каттадирки, шунча овора бўлиб юрибди?» деб ўйлаётгандирсиз? Бе, Борқул анойилардан эмас, пул тўла ҳамённи машинага қўймайди. Пул ҳамиша ён чўнтакда, юракка яқин жойда. Ҳамёнда тишкавлагич бор эди. Ахир Йўққулободда тишкавлагичсиз яшаш осонми? Лекин гап тишкавлагичда ҳам эмас, энди бу ёғини биргаликда ўйлаб кўришимиз керак бўлади.

**Тоҳир МАЛИК.**

ОДАМ САВДОСИ — ОҒИР ЖИНОЯТ

# УЗОҚНИНГ БУҒДОЙИ...



Синфдошларнинг «гап»ида Фазлиддин Россияда ишлашни хоҳловчилар бўлса олиб кетишини айтганида Аъзам андижонлик поччаси иш қидириб юрганини, ўзи ҳам Россияда бир неча бор ишлаб келганини айтганди.

Ортиқали муқим бир жойда ишламаслиги боис аввалари ҳам четга чиқиб, оз-моз даромад топган эди. Ёз бўйи уйда бекор ўтираманми, таваккал, балки қайноғам айтгандай инсофлидир, алдамас, деган ўй билан Наманганга йўл олди.

— Усталар 600 АҚШ долларидан, бошқалар эса 500 дан олишади, — деди Фазлиддин Эргашев. — Асло хавотир олманглар, ўзим ишлаб юрган жой, ишончли, ётоқхоналар бепул, барча шароитлар бор, озиқ-овқатни сотиб оламиз. Поездда кетилади, сизлар йўлкира топсангиз бўлди, ҳужжатларингиз билан ўзим шуғулланаман. Маҳалладан ҳам беш-олти киши бор, ўшалар билан ишлайсизлар.

Гарчи Фазлиддинга унчалик ишонмаган бўлсада, қайноғасининг гапидан сўнг Ортиқали синфдоши Иқболиддин билан маслаҳатлашиб Россияга ишлаш учун кетишга қарор қилишди. Аммо узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши, деган ақидани буткул унутишди.

— Эртага йўлкира учун 400 минг сўм пул билан паспортларингизни олиб келишингиз керак, Фазлиддин айтди, — деди Аъзам юқоридаги гап-сўзлардан бир ҳафта ўтгач, қўнғироқ қилиб.

— Майли, етказиб берамиз, — дейишди бир овоздан.

Шундай қилиб, яна ўн кун ўтди. Фазлиддин бу орада тўрт нафар ҳамқишлоғидан пул ва паспортларини йиғиштириб олиб, поездга чипта олиш тараддудида юрганди. Аммо буни қарангки, уларнинг ишлари чаппасига кетдими, поездга чипта ололмади.

— Автобусда кетаверамиз, — деди Фазлиддин «ишчи»ларга қараб. — Ҳаммага алоҳида жой бўлади, бироз қийинчиликка чидаш мумкин. У ёқда бизни кутишяпти.

Шундай қилиб, Наманган туманининг Олахамак қишлоғидан олти киши Россия давлатига жўнаб кетишди.

— Фазлиддин айтганидек, автобусда ҳар биримизга алоҳида жой бўлмади, — дейди улардан бири. — Бир соат биттамиз, кейин бошқамиз ўтириб кетдик. Бунинг устига йўл-йўлакай 3 та автобус алмашдик, Қозоғистондан Россия чегарасига киришдаги қийинчиликлардан норози бўлиб, Фазлиддинга йўлкира учун берган пулимиздан қолганини қайтаришини сўрадик. Аммо у шу ердан бошлаб тамоман бошқа одамга айланиб қолганди, гўё.

— Пулларингнинг қолганини паспортингизни рўйхатга қўйиш учун сарф қиламан, дея пўписа қилди у. — Менга норозилик билдирманглар, ким ишлашни истамаса ҳозир ҳам кеч эмас, ортига қайтиши мумкин. Ҳеч кимни мажбурлаб олиб кетаётганим йўқ. У бир нарсани яхши билар, ҳозир ҳеч ким ортига қайтиб кетолмасди. Бунинг учун биринчидан, орият йўл қўймаса, иккинчидан, ёнимизда на бир сўм пул, на ҳужжатимиз бор эди.

Ҳали манзилга етмай, бошидан анча-мунча азобларни ўтказган ҳамюртлар ўн беш кун деганда Москва вилоятининг Раминск туманига кириб боришди. У ерда Фазлиддиннинг таниши, Дима исмли рус киши уларни кутиб олди. Йигитлар бир кун Диманинг уйида дам олиб, эртасидан иш бошлайдиган бўлишди. Дима меҳмонларни «ётоққа» олиб кираркан, улар ҳайратдан қотиб қолишди.

— Шу ерда турамизми?!

Жуда тор ҳаммом зах, бунинг устига қандайдир қўланса ҳид анқирди. Кимнингдир бехос айтиб юборган гапига жавобан Фазлиддин шундай деди:

— Ҳозирча чиданглар. Кейин ҳаммасини яхшилаймиз. Аммо ҳеч ким ўзича иш кўрмайди. Сизларни ўзим иш билан таъминлайман, пулларингизни эса менга топширасизлар.

Катта бойлик топишни хомхаёл қилиб, ўзга юртга йўл олган йигитлар фаолиятларини Диманинг уйини тозалашдан бошлашди. Уларга иш қидириб кетган Фазлиддин эртасидан бошлаб икки кишидан бўлиб, турли ерларга юборди. Аммо бари майда юмушлар бўлиб арзимас чой пули беришарди. Баъзи юмушлар ҳатто соглик учун ўта зарарли эди.

— Бизни бир рус фуқаросининг уйига қудуқ кавлашга юборди, — дейди А. Юсупов. — Ҳаво совуқ, оёғимиз остидан сув сизиб турарди. Шундай бўлса ҳам икки кун тиним билмай ишладик. Учинчи куни эса иккаламиз ҳам иситмалаб, оёқларимиз қақшаб оғриганидан ётиб қолдик.

Саломатлиги ёмонлашиб, ишга ярамай қолган бир киши ўн олти кундан сўнг ортига қайтишга муваффақ бўлди. Уч киши эса ҳужжатларини зўрға олиб, бир сўмсиз бошқа ёққа иш қидириб кетди. Қолган икки киши «Чиқмаган жондан умид» қабилида Фазлиддиннинг ёнида қолишди.

Ўзга юртларда сарсон бўлиб, даромад топиш ўрнига саломатлигини йўқотиб қайтганлар бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат қилишди.

Олахамак маҳалласида яшовчи Ф. Эргашевнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, юзлаштириш баённомалари ва иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилиб, қонуний жазога тортилди.

**Нурулло ИСМОИЛОВ,**
**капитан.**

*Наманган вилояти.*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

# ЭГРИ ҚЎЛ КЕЛИН

***Роҳат хола тахмондаги кўрпаларни олиб, сандиқни очди-ю, ранги ўчиб кетди. Пул йўқ. Қизил рўмолда ўроғлиқ эди, рўмол ҳам йўқ. Бироз каловланиб туриб, чолининг олдига югурди.***

***Икковлашиб сандиқни титиб кўришди. Топилмади. Наҳотки, ўғирланган бўлса?!***

– Қизим бояқиш емай-ичмай, топганини тишида тишлаб, битта бошпанали бўларман, деб йиғаётгани эди, – дея йиғлаб юборди Роҳат хола.

– Ўзингни бос кампир, Исақулни чақирай-чи, – деди Ҳазратқул ота.

Ҳовли этагидаги уйда яшайдиган ўғилга хабар беришди. Исақул профилактика инспекторига чопди.

– Хабарни олишимиз билан тезда етиб бордик, – дейди Оқдарё тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Содиқ Муртазаев. – Ўғрилик ниҳоятда усталик билан амалга оширилган. Текширувда ўғри дераза орқали киргани билиниб турарди. Лекин дераза роми қуёш нурини тўсиш учун оқ мато билан беркитилиб, озгина жойи очилган. У ердан фақат ёш бола кириши мумкин. Чол ва кампир невараси билан яшайди. Пул сақланаётган жойни шу ёш бола билган. Аммо бу ёш боланинг иши эмасди. Чунки сандиқни очиш учун унинг устига тахланган кўрпа-тўшакларни олиш лозим. Болакай гарчи кўрпа-тўшакларни пастга тушира олса-да, ўрнига яна йиғиб қўйиши қийин. Ваҳоланки, кампир кўрпа-тўшаклар келиним тахлаб қўйган тарзда турганди, деди. Энди бир гумонимиз оиланинг келини Гулсанамда бўлди.

Аслида ўғриликни Гулсанам амалга оширганди. Айни туш пайти чолу кампир невараси билан ухлаб ётганида у секингина уйга киради ва сандиқдан пулни олиб, ўрин-кўрпани яна жойига тахлаб, деразани қия очиб, чиқиб кетади.

– Албатта, келин ҳеч қандай далил-исботсиз айбини тан олмайди, – дея давом этди С. Муртазаев. – Яна бир томони чолу кампир у ҳақда салбий фикр айтмади. Келин эртаю кеч уларнинг хизматида экан. Биз Гулсанамнинг қариндош-уруғларини суриштирдик. Пул ўғирланган кундан икки кун ўтиб, Гулсанам қўшни туманда яшайдиган синглисининг уйига борганини билдик.

Синглисининг эри ароқхўр бўлиб, топиш-тутишининг тайини йўқ экан. Аммо унинг бирданига кичкина дўконча очиб олганига ҳамма ҳайрон бўлган. Гулсанамнинг синглиси сўраганларга эримга божалари ёрдам бердилар, – деган. Сўроқда Гулсанамнинг эри, яъни чолу кампирнинг ўғли Исақул: «Мен божамга ҳеч қандай ёрдам бермаганман», деди. Калаванинг учи топилгандай бўлди. Аммо Гулсанамнинг синглиси айтган гапидан тониб, аввалига ота-онамдан қарзга пул олдим, деди. Кейин бир танишимдан олгандим, эримдан қўрқиб айтмагандим, дея кўрсатма берди. Аммо бу важлари исботини топмади.

Опа-сингилни юзлаштирганимизда ҳаммаси аён бўлди. Иккови икки хил кўргазма берди. Синглисининг уйидан пул ўралган рўмол чиққандан кейин Гулсанам айбига иқрор бўлди. У қайнопаси йиғиб қўйган ўн миллион сўмни ўғирлаб, синглисига берган экан.

Шу тариқа эгри қўл келиннинг қилмиши фош бўлди.

Худди ўз қизларидай кўриб, бор-йўқларини Гулсанамга ишониб юрган чолу кампир келинининг бу қилмишидан ҳайрон. Гулсанам эса ўзининг ўйламай босган бир ножўя қадами билан «ўғри келин» деган тавқи лаънатни олди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

*Самарқанд вилояти.*

АМАЛИЙ СПОРТ

# ЎТЮРАК ЎҒЛОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи ўйингоҳида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Тошкент вилояти ИИБ чемпионати бўлиб ўтди.**

Унда вилоятнинг шаҳар ва туманлари ёнғин хавфсизлиги қисмларидан иборат 12 та жамоа вакиллари иштирок этишди.

Спортчилар ёнғин ўчириш амалий спортининг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ёнғин ўчириш эстафетаси, ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кўтарилиш, уч тирсакли нарвонда ўқув минорасининг учинчи қаватига кўтарилиш турлари бўйича беллашдилар.

Мусобақа кескин курашлар остида ўтди. Вилоятнинг Чирчиқ, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларидаги ҳарбийлашган, Олмалиқ тоғ металлургия комбинатини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ҳамда Янгийўл ва Зангиота туманларидаги касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари терма жамоалари вакиллари ўзларининг мусобақага ҳар томонлама мукаммал тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар.

Беллашувлар якунига кўра, ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмлари жамоалари ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллаган Чирчиқ шаҳар терма жамоаси ва касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида ғолибликни қўлга киритган Олмалиқ тоғ металлургия комбинати терма жамоаси биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар Бекобод ва Янгийўл шаҳарларидаги ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмлари терма жамоалари, Янгийўл ҳамда Зангиота туманлари касбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисмлари терма жамоаларига насиб этди.

Турлар бўйича ўтказилган мусобақада ғолиб бўлган спортчиларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Барно АЗИМОВА, капитан.**
*Тошкент вилояти.*



Суратда: *беллашувдан лавҳа.*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ПАҲЛАВОН МАҲМУДНИНГ ВОРИСИ



**Хоразмда Баҳодир Бекжоновни ҳамма танийди. Баҳодир ака нафақат полвон, балки спорт мураббийи сифатида ҳам эл назарига тушган.**

Баҳодир аканинг яхши хислати бор. Баъзи мураббийлар «Бу боладан ҳеч нарса чиқмайди», деб қайтариб юборган ёшларни тарбиялаб, унга устозлик меҳрини беради. Спортда кимнинг нималарга қодирлигини тинимсиз машғулот ва изланишларгина ҳал қилади. Бекжонов бир нарсани бошладими охиригача етказмасдан қўймайди.

Айтиш жоизки, Баҳодир аканинг ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида жуда кўплаб шогирдлари бор. Хусусан кураш бўйича спорт усталари – подполковниклар Баҳодир Раҳимов, Баҳодир Мадраҳимов, майорлар Шавкат Халлиев, Мақсуд Ўразметов, капитан Рашид Сапаев каби шогирдлари республика ва халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишган.

Уни Паҳлавон Маҳмуднинг ҳақиқий вориси десак, хато қилмаймиз. Баҳодир ака мамлакат ва халқаро мусобақаларда 3 та олтин, 10 та кумуш, 16 та бронза медалини қўлга киритиш билан бирга, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» ҳамда халқаро тоифадаги ҳакам, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган вилоят Паҳлавон Маҳмуд номли хайрия жамғармасининг раиси.

Урганч туманидаги Анжирчилар қишлоғидаги «Паҳлавон» болалар спорт мажмуасининг ташкил этилишида Баҳодир аканинг ҳам хизматлари катта. Ҳозир ушбу мажмуада кўплаб ўғил-қизлар спортнинг эркин кураш, кураш, қўл жанги ва бошқа турлари билан шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Бу эса фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишда ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Шуниси қувонарлики, бу қишлоқда кейинги йилларда вояга етмаганлар орасида умуман ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйилмади. Тинимсиз меҳнатлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу мажмуа тарбияланувчилари Ғ. Ваисов, Ж. Эркаев, Ф. Маҳмудов, Г. Атажановлар кураш турлари бўйича республика чемпионлигини қўлга киритиш билан бирга, мамлакат терма жамоасига ҳам қабул қилиндилар.

Баҳодир аканинг оиласи ҳавас қилса арзигулик. Турмуш ўртоғи Гулбаҳор опа билан беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Қизлари Дилдора ва Дурдона ўқитувчи, ўғиллар ота изидан бориб, спорт соҳасини танлашди. Жалолиддин енгил атлетика, Жамолиддин эса стол тенниси бўйича мураббий.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида мураббий, спорт шарҳловчиси Баҳодир Бекжонов Президентимиз Фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди. Ҳақиқий меҳнат ва интилиш ўз қадр-қимматини топади.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**
*Хоразм вилояти.*

УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

# МАРАТНИНГ МАҲОРАТИ

**Юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш устувор масалалардан бирига айланди. Бугунги кунда мазкур соҳага берилаётган юксак эътибор туфайли, Ватанимиз спортчилари халқаро майдонларда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Энг муҳими, мамлакатимиз ёшлари спортни ўз ҳаётининг ажралмас қисми сифатида таниб улгурдилар.**

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида спортга меҳр қўйган ёшлар талайгина. Батальон 1-отряд 1-гуруҳи кинолог-милиционери, сафдор Марат Алимбетов ана шундай умидли ёшларимиздан.



Марат болалигидан спортга қизиқди. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ спорт мусобақаларида фаол қатнашди. 2003 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида иштирок этган Марат Алимбетов бокс беллашувларида яхши натижа қайд этиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Ҳарбий хизматда анча тобланиб қайтган ёш спортчи ҳеч иккиланмай ички ишлар идораларига ҳужжатларини топширди. 2006 йилнинг сентябрь ойидан республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони милиционери лавозимига тайинланди. Хизмат билан бир қаторда спорт билан мунтазам шуғуллана борди. Батальон раҳбарияти томонидан ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилашга қаратилган имкониятлардан унумли фойдаланди. Дастлаб батальон ходимлари ўртасидаги, сўнг мамлакат биринчилиги баҳсларида совринли ўринларни қўлга киритди.

2008 йилда кикбоксинг бўйича республика чемпионатида Марат 84 килограмм вазн тоифасида кумуш медаль соҳиби бўлди. Шунингдек, таэквандо, каратэ, қўл жанги бўйича мамлакат биринчилиги беллашувларида совринли ўринларни эгаллади. Шу йилнинг август ойида юртимизда илк бор спортнинг пенчак-силат тури бўйича ўтказилган мусобақада шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

– Келажакдаги орзуим албатта жаҳон чемпиони бўлиш, – дейди у. – Бунинг учун тинимсиз ўз устимда ишлашим, машғулотларга доим қатнашишим лозим.

– Марат келажаги порлоқ, қобилиятли спортчиларимиздан, – дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев. – Уни универсал жангда ҳам синаб кўриш ниятимиз бор. Ишончим комилки, келгусида у Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган моҳир спортчилар қаторидан ўрин олади.

Марат Алимбетов каби нафақат спортга, балки юрт осойишталигига ҳисса қўшаётган посбонларимиз бор экан, мамлакат ёшларига бўлган ишончимиз, ҳавасимиз ортаверади.

**Ф. АЗИЗОВ.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги подполковник **Базарбай НАУБЕТОВ**ни табаррук 70 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Устозимиз ва сафдошимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари, шогирдлари камолини кўриб, яна кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришни тилаймиз.

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.**

* * *

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, подполковник **Ҳасан АБДУЛЛАЕВ**ни қутлуғ 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Меҳрибон отажонимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларида катта ютуқлар тилаймиз. Фарзандлари бахту камолини кўриб. Ҳамиша соғу омон юришини тилаймиз!

**Эҳтиром ила оила аъзолари.**

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси даволаш профилактика ишларини янада яхшилаш мақсадида ИИВ Марказий поликлиникасига қуйилаги бўш лавозимларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Тошкент, Зангиота ҳамда Қибрай туманларида доимий рўйхатда бўлган мутахассис-шифокорларни ишга қабул қилади:

– ички касалликлар шифокори;
– асаб касалликлари шифокори;
– жарроҳлик шифокори;
– тери-таносил касалликлари шифокори;
– шифокор-лаборант.

**Манзил:** Тошкент шаҳри Саид Барака кўчаси 10-уй.
**Мурожаат учун телефонлар:** 233-60-52, 233-21-98.

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# СИРКАНИНГ ХОСИЯТИ

***Сирканинг нима эканини кўпчилик билади. Аксарият кишилар эса, ошхонада ишлатиладиган сунъий сиркадан фойдаланади. Сирка ўткир ҳидли, рангсиз суюқлик. У узум, анжир, хурмо, асал, мева ва донлардан тайёрланади. Сирканинг фойдали турлари бисёр. Энг яхшиси узум сиркаси бўлиб, уни уйда тайёрласа бўлади.***

Бунинг учун 1,5 кг. эзилган узум 3 литрлик шиша банкага солинади. Устига 200 грамм шакар ва 1,5 литр сув қўшилади. Банканинг оғзи икки қаватли дока билан маҳкам ёпиб қўйилади. Сирка 3 ойдан кейин тайёр бўлади. Узум сиркаси хушбўй ва ўзига хос таъмга эга. Таркибида 5 фоизли сирка кислотаси ҳосил бўлади.

Агар сирканинг ўзи ҳидланса, нафас йўлига шифо бўлади. Сиркани асалга аралаштириб суртилса, кўз остидаги кўкимтирни йўқотади, тери остидаги қонталашни тарқатади.

Ёнғоқ ғурасини сиркага солиб, етилгунга қадар қўйиб, сўнг у билан ғарғара қилинса, томоқ оғриғи, оғиз ва ҳалқум учун фойдали.

Ҳар куни оч қоринга наҳорда сирка ичилса, меъда қуртларини ўлдиради. Сирка сурилса, танадаги яра, тошма, теридаги доғларни кетказади. Заҳарли жониворлар чаққанда ҳам даво.

Туйилган исириқ сиркага қўшиб боғланса, аъзолар тортишиши ва бўғинлар дардини даф қилади. Сирка иссиқ кул билан омухта қилиб боғланса, ғурра ва шишларни йўқотади. Сиркани иссиқ тошга қўйиб, ҳовурига ўтирилса, бавосилга шифо.

Олма сиркаси таом ҳазм қилиш тизимини меъёрлаштиради. Узум сиркаси нафас олиш тизимини даволашда фойда қилади. У бронхит, йўтал, сил хасталигида балғам кўчириш учун қўлланади.

Узум сиркаси ошқозон-ичак хасталикларини даволашда тавсия этилади. У асал билан аралаштирилиб, жигар, буйракда тош пайдо бўлишининг олдини олишда ишлатилади.

Арпа унини сирка билан аралаштириб, хамири қўйиб боғланса, томоқ, қулоқ ости шишларини қайтаради. 25 грамм анзур пиёзини юпқа тўғраб, эзилиб пишгунча сиркада қайнатилса ва бир ҳафта қуёшга қўйиб қўйилса, кейин сузиб, ҳар куни эрталаб 7 граммдан истеъмол қилинса, ошқозон яраларига шифо бўлади.

Шуни ёдда тутиш керакки, сирканинг мижози совуқ кекса кишилар, ички аъзолари суст кишилар ҳамда бачадонга зарари бор. Шу билан бирга, энди хасталикдан турганлар учун ҳам зарарлидир. Уни меъёрида бир кунда (30 грамм) бир марта ичиш даркор. Узоқ вақт давомли истеъмол қилинса, кўзнинг хиралашишига мубтало қилади, юзни сарғайтиради. Ичаклар яллиғланишига сабаб бўлади. Сирка турлари ичида резавор-мевали сиркалар ҳам бор. Чунончи, қизил хўжағат, қулупнайли сирка, олчали сирка. Бундай сиркалар осон топилмайди. Шу боис уларни аёллар ўзлари тайёрлашади. Уларнинг барчаси бетакрор хосиятга эга.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

### Нормамат ТОFА

# ҲУКМСИЗ ЖАЗО



## Детектив қисса

### ОЛМАЗОРДАН ТОПИЛГАН ЖАСАД

Ички ишлар бўлими навбатчилик қисмидаги телефон кетма-кет жиринглади. Лейтенант гўшакни чаққон кўтарди:

— Навбатчи Турдиев эшитади.

Нариёқдан гапираётган аёл ҳаяжонли овозда шошилиб тушунтира бошлади:

— Олмазор қишлоғидан тоғ этагига борадиган асфальт йўлнинг адоғида, дарахтзор ичида битта машина билан одам ёниб кетибди.

Навбатчи ҳушёр тортди.

— Сиз ўзингиз кимсиз, қаердан қўнғироқ қилаяпсиз?

— Мен тоғдаги болалар оромгоҳининг тарбиячисиман, ўша ердан қўнғироқ қилаяпман.

— Исм-шарифингизни айтинг.

— Шафоат Қўлдошева.

— Хўш, бу воқеага қачон гувоҳ бўлдингиз?

— Бугун эрталаб болаларни тоғ этагига, тепадан сув оқиб тушадиган жойга сайрга олиб боргандик, шунда кўрдим.

— Хабар қилганингиз учун раҳмат. Бу ҳақда ҳозироқ бошлиққа ахборот бераман. Ходимлар етиб боришади. Фақат илтимос, машинага яқин бориб, изларни босиб қўйманглар...

Олмазор — тоғ этагидаги адирда жойлашган каттагина қишлоқ. Туман марказидан бошланган асфальт йўл йигирма чақиримлардан сўнг қишлоқни тенг иккига ажратади, бироз юрилса иккига айрилади. Тог оралаб тўғрига кетгани яна уч чақиримдан кейин болалар оромгоҳига олиб боради. Чап томонга бурилгани эса тоғ этагидаги ярим оролга ўхшаш жойда тугайди. Ундан нарёғи катта сойлик. Тоғ тепасидан шовқин солиб, шовуллаб оқиб тушаётган бир тегирмон сув ана шу сойликда бир зум телбаларча айланиб, йўлини ўнглаб олгач, жилғаларга бўлиниб, қишлоқ томон оқади. Сой бўйидаги дўнгликда ўт-ўланлар билан қопланган кенг саҳнли яланглик атрофини олма, ўрик, бодом, гилос сингари турли дарахтлар ўраб олган. Асфальт йўл тугаган жойнинг рўпарасидаги икки туп жийда дарахтининг ораси кенг, худди машина билан ичкарига киришга қўйилган дарвозага ўхшаб кетади. Ичкарироқда эса яна икки туп жийда бир-бирини «опичлаб» ўсган.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Кенжа Ботиров ва прокурор Одил Фармонов тушга яқин етиб келишди. Орқадан жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиги, ундан кейин криминалист, кинолог, терговчи тушган машина, ниҳоят энг охирида юк машинаси келиб тўхтади.

— Ҳайронман, бу ерга нега асфальт йўл олиб келинган ўзи? — машинадан биринчи бўлиб тушган Одил Фармонов елка қисиб сўзлади.

— Олмазордаги санаторийни бир пайтлар шу жойда қуришни мўлжаллашган, — унга жавобан деди Кенжа Ботиров. — Шу мақсадда бу ерга йўл тушган.

— Ўйламасдан, шошма-шошарлик билан қилинган ишнинг оқибати шу, — деди Одил Фармонов. — Қуришади, бузишади, ташлаб кетишади. Бўпти, ҳамма шу ерда қолсин. Сиз, Ботиров мен билан юринг-чи.

Улар анча наридан айланиб келиб, ҳалиги қўшалоқ ўсган жийда ёнидаги гилослар орасидан суқилиб, ичкарига ўтишди. У ерда буткул ёниб тугаган енгил машина ва ундан сал нарироқдаги куйиб, қорайиб кетган одам жасадини кўришгач, бир-бирларига қарашди.

— Бу бахтсиз ҳодиса эмас, атайлаб қилинган жиноятга ўхшайди, — деди Одил Фармонов ва тепага қараб олиб, қўшимча қилди:

— Қаранг, роса ёнибди, ўчиришга ҳаракат қилинмаган. Жийдаларнинг шохлариям жизғанак бўлиб кетибди.

— Тагида бир машина билан одам ёнади-ю жизғанак бўлмайдими. Машинанинг тунукаларигача ёнибди, — оҳиста сўзлади Кенжа Ботиров.

Прокурор олдинга ўтиб, жасад томон юраркан, ортидан келаётган Кенжа Ботировни огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўлиб юринг, из тушган жой бўлса босиб олманг. Одил Фармонов бироз юриб тўхтади ва орқасига ўгирилиб Кенжа Ботировга яна деди:

— Эътибор бердингизми, одам чалқанча ётган ҳолда ёнган. Кўриниб турибдики, у ё аввал ўлдирилиб, кейин ёқилган ёки оёқ-қўли боғланиб ўт қўйилган.

— Эҳтиётсизлик ёки бахтсиз ҳодиса сабабли машинага ўт кетгану уни ўчирмоқчи бўлган эгасига олов илашиб, машина билан бирга ёниб кетган бўлса-чи? — деди Кенжа Ботиров.

— Унда бу алфозда ёнмаслиги керак, — майорнинг мулоҳазасига қўшилмади Одил Фармонов. — Одатда олов ичида қолган одам жон талвасасида ҳаракат қилиши, у ёқ, бу ёққа югуриши, йиқилгандаям сал букчайибми, букилибми ётиб қолиши кузатилади.

— Агар қотиллик юз бергану ўртада бошқа кишиям бўлса, унда нега машинаниям ёққан? — саволомуз оҳангда ўз мулоҳазасини баён этди Кенжа Ботиров. — Қотил машинадан бензин олиб бориб, устидан қуйиб ёққунча нима учун у одам жойидан қимирламай қараб турган, у ёқ, бу ёққа қочишга уринмаган?

— Айтдим-ку, ё аввал ўлдирилиб, ё оёқ-қўли боғланибми, беҳуш қилинибми, кейин ёқилган, деб, — Одил Фармонов шундай дея чўнтагидан сигарет олиб тутатаркан, сўзини давом эттирди: — Буёғини, ана, мутахассислар ҳам кўришсин. Юринг, ходимлар ёнига бориб, маслаҳатлашиб олайлик, кейин ишга киришамиз.

Маслаҳат узоқ чўзилди. Ҳамма оёқда тик турганча ўз фикрини бирма-бир баён этди, мулоҳазасини айтди. Одил Фармонов ҳаммани ҳозир, шу дамда имтиҳон қилиб олмоқчи бўлгандек бирма-бир эшитиб кўрди. Ва ниҳоят, бир қарорга келинди, энг аввал итни ишга солиб кўришга келишилди.

Кинолог «Тарлон» лақабли хизмат итини бўйнига боғланган қайишдан тутиб, ёнган машина қолдиғи ёнига етаклаб келди. Кейин пешонаси ва бўйнини силаб туриб буюрди:

— «Тарлон», қани қидир! Шошилма!

Ит машина қолдиғи атрофини тумшуғини ердан узмай икки марта айланиб чиқиб, куйинди томонга бўйнини чўзди ва бурнини жийирди. Бу ердаги ўт-ўланлар, гиёҳу хас-ҳашаклар анча жойгача куйиб, қорайиб кетганидан из олиш анча мушкуллик қилаётганди. Ерга энгашган кинолог олов тегмаган майсалар оёқ билан босилганини пайқаб қолди ва итни дарҳол шу тарафга бошлади. Ит куйиндилар орасидан чиқиб, кўм-кўк ўт-ўланларга рўпара бўлгач, ўзини анча енгил ҳис этди, иши енгиллашгандек бўлди. У бир зум ҳидлаб тургач, бир-бирига чирмашиб ўсган гиёҳлар орасини тумшуғи билан ёриб, қатор жийдалар сари дадил юра бошлади. Буни кўрган кинолог бутун вужудини кўзга айлантириб, унга эргашди. Шу чоқ букчайиб юриб бораётган кинологнинг нигоҳи ногаҳон ҳар жойга томган қон томчиларига тушиб, ички бир ҳаяжон билан сергакланди. Ит тўғри қатор жийдалар тагига бориб тўхтади. Бу ерда анча жой босилиб, эзғиланган, бир-икки киши давра қуриб ўтиргани ёки узала тушиб ётгани билиниб турарди. Кинолог теварак-атрофни синчковлик билан кузатди. Афсуски, бу атрофда бирон белги кўринмасди. Ит юришда давом этди. Ўртадаги йўғон жийданинг танасини ҳидлаб кўрди. Кейин шу атрофни бир айланиб чиқиб, олдинги оёқлари билан ўтларни юлқий бошлади. Кинолог итнинг бўйнидаги қайишдан тортиб, худди шу ерни ўзи титкилашга киришди. Шу пайт қўлига силлиқ нарса илинди. Олиб қараса, аёлларнинг лабига суртадиган ёғупа қутиси. Кинолог севиниб, яна «Тарлон»га буюрди:

— «Тарлон», яна қидир, бўл тезроқ, қидир!

Ит эгасига итоаткорона бўйсуниб, қидиришда давом этди. Узоқ ҳидлашлардан сўнг яна бир жойнинг ўтларини панжалари билан юла бошлади. Кинолог итни ортга суриб, қўлини ўтлар орасига суқди. Шунда қўли шилимшиқ нарсага тегиб, сесканиб тушди. Қараса қон. У ўзини қўлга олишга уринди. Сўнг жон-жаҳди билан ўт-ўланлар орасини яна титкилашга киришди. Ҳар туп гиёҳ, ҳар сиқим тупроқни бирма-бир назаридан ўтказаётган кинологнинг қўлига узук илашиб чиқди. Кўзида сув париси тасвирланган яп-янги узук. Кинолог итга яна қидиришни буюрганди «Тарлон» шу атрофни бир-икки айлангач, бўлгани шу, дегандек топталган ўтлар устига чўнқайиб ўтирди.

— «Тарлон», бўлмаса энди из ол!

«Тарлон» из олишга тутинди. Келган йўли билан орқага қайтаркан, куйиндиларга етгач, ўнгга, сўлга айланиб юриб, қўшалоқ ўсган жийдагача борди, ундан ўтиб, асфальтга етганда изни йўқотди шекилли, гир айланиб ҳавони ҳидлади.

— Демак, бир киши асфальтга чиқиб кетган, — деб ўзича мулоҳаза юритди бу ҳолни зимдан кузатиб турган Одил Фармонов. — Лекин ит буёғига изни ололмаяпти. Сабаби, асфальтдан кеча болалар юриб келишган, бугун устидан биз босиб келдик. Шу сабабли излар қоришиб кетган. Бунинг устига, ҳозир куйинди ҳидидан итнинг димоғиям битиб қолди.

Итни етаклаб, уларнинг ёнига чиқиб борган кинолог қўлидаги ёғупа билан узукни Фармоновга узатди ва бўлган воқеаларни қисқача изоҳлаб берди.

— Ўҳ-ў, бутун бошли хазина топилибди-ку! — Фармонов шундай деб кинологнинг қўлидан қоғозга ўроглиқ ашёвий далилларни олар экан, ажабланиб сўради:

— Қўлингиз қонми?!

— Ҳа. Булардан кўриниб турибдики, ўлдирилган аёл киши, — изоҳлашга тушди кинолог. — Табиийки, ёнида эркак киши ҳам бўлган. Улар аввал ҳу нариги қатор жийдалар тагида ўтиришган, эҳтимол, ётишгандир. Аёл ўша жойда тиғми ёки бошқа бирон нарса билан урибми ўлдирилган. Кейин машина ёнига судраб келиниб, бензин сепиб ёқилган. Ёғупа, узук, ўтларнинг пайҳон бўлиши, қон томчилари, хуллас ҳаммаси шундан далолат бериб турибди. Қотил пиёда юриб, асфальт йўлга чиқиб кетган бўлиши керак.

*(Давоми бор).*

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Тергов бош бошқармаси раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

**Аҳмаджон УМАРАЛИЕВ ва рафиқаси**

**Мўминахон УМАРАЛИЕВАнинг**

фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

**Аҳмаджон УМАРАЛИЕВ ва рафиқаси**

**Мўминахон УМАРАЛИЕВАнинг**

фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

# УЛУҒ ВА МУБОРАК АЙЁМ

**Яна саноқли кунлардан сўнг бутун дунё мусулмонлари муборак Рамазон ҳайитини муносиб тарзда нишонлайдилар. Бу улуғ ва фазилатли айёмнинг аҳамияти ва уни нишонлаш ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Мусулмон оламида энг фазилатли ҳисобланган муқаддас Рамазон ойи поёнига етмоқда. Яратганга беҳисоб шукроналар айтамизки, диёримиз мўмин-мусулмонлари ҳар йиллагидек Рамазон рўзасини тинч, тотув, хотиржам адо этишга муяссар бўлдилар. Рўза муқаддас динимизнинг беш арконларидан бири. Бу фарз амалини тўла-тўкис адо этганлар Оллоҳ томонидан муносиб ажр-савобга эга бўладилар, иншооллоҳ. Ислом динининг ҳар бир фарз амалини бажариш билан мўмин-мусулмонлар имтиҳондан ўтадилар. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким яна бир имтиҳондан ўтиб, улуғ ва фазилатли Рамазон ҳайитини кутиб олмоқдамиз.

Рамазон ҳайитининг улуғлиги шундаки, халқимизга хос, мусулмончиликка мос бўлган, қадимдан давом этиб келаётган бағрикенглик, саховат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар айнан, ана шундай айём кунларида кўпроқ намоён бўлади. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кишиларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлишлари лозимлигини кўп марта уқтирганлар.

Қутлуғ айёмнинг гўзал фазилатларидан бири кишилар кексаларни, ота-оналарини, қариндош-уруғларини, ногирон, беморларни йўқлаб борадилар, байрам билан қутлаб, совғалар улашадилар. Бу катта савоб иш ҳисобланади. Хайрли, савобли ишлар қилган кишига Оллоҳ мададкор бўлади.

Рамазон ҳайити шоду хуррамлик айёми. Ана шу кунларга етиб келганимизга шукроналар айтиб, байрамни дўстлар, яқинлар, оила аъзоларимиз билан хурсандчиликда ўтказишимиз лозим. Аммо айрим кишиларимиз қутлуғ кунларда оламдан ўтганлар учун аза очиб, фотиҳахонлик ташкил этади. Эшик олдида бел боғлаб тургандан кейин, албатта қўни-қўшни, таниш-билишлар хонадонга кириб, ўтганлар руҳига тиловат қилади. Тўкин дастурхондаги нозу неъматларга ҳеч ким қўл чўзмайди. Бу бир томондан исрофгарчилик. Чунки дастурхонга қўйилган ширинлик, мевалар уч-тўрт кунда айниб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Иккинчидан, бу тадбирлар оворагарчиликдан бошқа нарса эмас.

Қадимдан ҳайит кунларини улуғ айём сифатида қадрлаганлар. Шу кунлари урушлар тўхтаб, низолашган томонлар ярашишган, муросага келишган. Яна айрим аразлашиб юрганлар бир-бирларидан кечирим сўраб, иноқлашиб кетишган. Оллоҳ кечирувчи, бир-бирини кечирганларни севади, гуноҳини мағфират қилади.

Кам таъминланган оилалар, етимларга моддий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Саховатпешалик дея аталмиш бу фазилатнинг амалий ифодаси айнан ҳайит арафаси ва муборак айём кунларида янада кўпаяди. Шунинг учун ҳам ҳайитни саховат байрами деб айтсак арзийди.

Мустақиллик шарофати билан Президентимиз раҳнамолигида ислом дини арконларини эмин-эркин адо этмоқдамиз. Яна бир томони, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг бардавомлиги боис нафақат мусулмонлар, қолаверса, юртимизда яшаётган бошқа динга эътиқод қилаётган фуқаролар ҳам тинч, хотиржам ибодат қилишяпти. Шу ўринда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш улуғ савобли эканини таъкидлаб ўтиш жоиз ва бу йўлда хизмат қилаётган фидойи ички ишлар идоралари ходимларини яқинлашаётган айём билан қутлаб, уларга соғлик, оилаларига хотиржамлик, ишларига улкан ютуқлар тилаймиз.

Барча юртдошларимизни улуғ ва муборак Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз!

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.**

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ – ПАРИСИ БОР

# 105 ЁШЛИ ОНАХОН

**Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Камолон маҳалласида истиқомат қилаётган Ғайнижамол буви Султонова Рамазон ҳайитини 105-марта нишонлаш бахтига муяссар бўлмоқда. Бу табаррук инсон мустақиллик байрамининг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бир асрдан зиёд умр кўрган пиру бадавлат онахонга доимо соғу омон бўлиб, яна кўп йиллар фарзандлари, невара-эваралари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.**



**Суратда:** ***Ғайнижамол буви ўғли Бахтиёр ва эвараси Шаҳодат билан.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ



**Рассом – ҳаёт кузатувчиси. У ана шу кузатувларини ранго-ранг бўёқларда акс эттириб кишини ўзига ром этувчи асарлар яратади. Оддий қоғоз ёки матодаги тасвир тирикдай жонланади. Мусаввир ўзининг аниқ фантазияси билан табиат, набодот ва инсонларни реал тасвирлайди. Сафимизда ана шундай истеъдод эгалари борки, улар она-Ватан тинчлиги, юрт осойишталигини сақлаш баробарида ўз ижод намуналари билан маънавиятимиз, санъатимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир.**

# АСАРЛАРДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ





Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ масъул ходими, подполковник Мустафоқул Расулов ҳам иккинчи истеъдод соҳибларидан. У Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. Ёшлигидан рассомчилик санъатига меҳр қўйиб, қўлига мўйқалам тутиб, расм чизишга қизиқади. Рассомлар ҳаёти ва ижодига бағишланган китобларни ўқиб илҳомланарди. У дастлаб Воронеж шаҳридаги милиция мактабида, сўнг Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. Олийгоҳни тамомлаб, ички ишлар идораларида ишлай бошлади. Хизматдаги машаққатларга қарамасдан иккинчи истеъдодини ташлаб қўймади, бўш қолди дегунча расм чизар, опа-сингилларининг портретини ишларди.

Сувбўёқ, мойбўёқ ва аралаш техникаларда композициялар яратишда самарқандлик рассомлар Лазер Агриян, Эйнулла Алиевлардан қимматли маслаҳатлар олди. Айни пайтда Мустафоқул ака самарқандлик таниқли рангтасвир усталари Абиб Исмаилов ва Аслиддин Исаевнинг устахоналарига бориб, уларнинг ишлаш техникалари билан танишади, асарларини уларга кўрсатади ва биргаликда муҳокама қилади.

Рассом яратган асарларда асосан борлиқ, бепоён далалар, табиатнинг камалак ранглари, ҳайвонот дунёси ва тинчлик, осойишталик ғояси усталик билан тасвирланган. Масалан, унинг «Жасорат» асарида террорчилик, қўпорувчилик ҳолатини бартараф этиш жараёни акс эттирилган. Мўйқалам устаси асосий кўринишда ўзини портлатган террорчи-камикадзенинг ваҳшиёна ҳолатини тасвирлаган. Асарнинг марказий қисмида портлаш зарбидан бошқаларни асраш учун кўксини қалқон қилиб, жасорат кўрсатган ички ишлар ходими гавдаланган.

Унинг «Қора дори» операцияси», «Десант», «Ўқув тревогаси» асарларида осойишталик посбонига хос бўлган Ватанга содиқлик, бурч ва масъулият, инсонни улуғлаш, касбга бўлган меҳр аниқ рангларда жонланади.

Мусаввир асарларини кузатган киши унинг ғояларида инсонни севиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, огоҳликка даъват этиш, мусаффо осмон, тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш кераклигига яна бир бор амин бўлади.

Куни кеча М. Расуловнинг «Менинг Ватаним» номли шахсий кўргазмаси Тошкент шаҳрида намойиш этилди. Кўргазмада иштирок этганлар унинг асарларини томоша қилиб, маънавий озуқа олишди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.**

ISSN 2010-5355

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE’MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BEBDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma J-8108. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57460 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.**